




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР  
ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

К.А.Эшиўлатов, М.М.Ризаева

“ФАН ВА ТАБИАТ” РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИДА  
ТАЪЛИМИЙ ФАОЛИЯТ

ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА



Тошкент-2022

Ўкув қўлланма Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини МТ-27 йўналиши тингловчилари , олий таълим ташкилотлари мактабгача таълим йўналиши талабалари ва тадқиқотчиларига “Илк қадам” Давлат дастури асосида “Фан ва табиат” ривожланиш марказларини ташкил этиш, жиҳозлаш, таълимий жараёнларни ташкил этиш, таълимий-тарбиявий жараённи режалаштириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ва уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориш учун мўлжалланган.

Ўкув қўлланма мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари, методистлар, тренер-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

### **Тузувчиilar:**

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори К.А.Эшпўлатов Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Мактабгача ва мусиқий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси М.М. Ризаева

### **Тақризчилар:**

- Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси М.З.Файзуллаева
- Тошкент педагогика коллежи директорининг ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари Г.А.Расулова

## КИРИШ

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, мактабгача таълим тизими니 тубдан такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотларни юқори малакали, замонавий фикрлайдиган педагоглар билан таъминлаш, таълим ва тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2019 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5863-сонли фармони, 2019 йил 27 майда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “ЎзРда экологик таълимни ривожлантириши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 434-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 2 февраль куни ўтказилган “Атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги юзасидан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарлари ҳисботи тўғрисидаги мажлис баёнига мувофиқ республикамиз ҳудудида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини янада такомиллаштириш юзасидан бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофонди институтининг Ботаника боғини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 211-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларида машғулотлар давомида болаларга экологик таълим-тарбия бериш орқали табиатга меҳр қўйиш, уни эҳтиёт қилиб эъзозлаш, тирик жониворларга ғамхўрлик қилиш, табиатга қизиқиш уйғотиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, табиат бойликларини ардоқлаб, катталарнинг меҳнатига ҳурмат билан қараш сингари фазилатларини шакллантириб бориш, жонли ва жонсиз табиатни қузатиш, уйда ҳайвон, ўсимлик, қушларни парвариш қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, гулларга сув қутиш, гулларни ўстириш, табиат ҳодисаларига қизиқиш уйғотиш, сувни муқаддас деб билиш, уни исроф қиласлиқ, уни тежаш, тозаликка риоя қилиш, бўш вақтини бекор ўтказмаслик каби одатларни тарбиялаш мақсадида таълим-тарбиявий жараён ишланмаси ва болалар эгаллаши зарур бўлган тушунча, билим ва кўникмаларни шакллантиришда мураббийлар, ота-оналар болаларга экологик таълим-тарбия бериш, экологик тушунчалар билан таништиришда, давлат талаблари яъни уларга бериладиган билимлар ҳажмини ҳамда уни амалга ошириш йўллари бўйича босқичма-босқич ва кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу йўлда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бугунги кунда “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни илк тадқиқотчилик ҳамда ўрганувчи тадқиқий фаолиятини самарали ташкил этиш давр талабидир.

## 2.4. Модули бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзулар	Тингловчининг ўқув юкламаси				Кўчма машгулот	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машгулот		
1.	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни илк тадқиқотчилик ҳамда ўрганувчи тадқиқий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён мазмуни.	2	2	2			
2.	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш.	2	2		2		
3.	“Фан ва табиат” ривожланиш маркази учун тажрибалар картотекаларини тайёрлаш.	2	2		2		
	<b>Жами:</b>	6	6	2	4		

# МОДУЛ БИРЛИГИНИНГ МАЗМУН

## 3.1. Назарий ва амалий машгулотлар мазмуни

Вакт	Мавзу	Жараён, метод	Ресурс, тарқатма материаллар	Тингловчининг фаолияти
80 дақика	<b>1- Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни илк тадқиқотчилик хамда ўрганувчи тадқиқий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён мазмуни (назарий 2 соат)</b>			
45 дақика	“Фан ва табиат” ривожланиш марказининг тадқиқий фаолиятини мазмуни	Маъруза, Баҳс мунозара.	Слайдлар асосида маъруза. Тарқатма материаллар: Табиат нима, табиат билан таништириш шакллари “Фан ва табиат” маркази фаолияти мазмуни, “Фан ва табиат” марказига қўйилган талаблар қайд этилган карточкалар	Тинглайди, савол-жавоб, фикрлар билдирадилар, маълумотларни ёзib олади, фикр мулоҳаза, жуфт бўлиб ишлаш
35 дақика	“Фан ва табиат” ривожланиш марказини методик таъминлаш	Маъруза, Баҳс мунозара  Жуфт бўлиб ишлаш	Слайдлар асосида маъруза. “Фан ва табиат” марказининг методик таъминлаш, Фан ва табиат” марказининг жиҳозлари қайд этилган карточкалар	Тақдимот хулосаси, савол-жавоб  Вазифани жуфт бўлиб бажарадилар.
80 дақика	<b>2-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш (амалий 2 соат)</b>			
45 дақика	Таълим-тарбиявий иш мазмунининг мавзулари. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услугуб ва унинг турлари	Маъруза, Баҳс мунозара.  Кичик гурухда ишлаш	Слайдлар асосида маъруза. Тарқатма материаллар: Жонли табиат, жонсиз табиат, жонли табиат табиат билан таништириш усуллари, жонсиз табиат табиат билан таништириш услуглари, табиат билан таништиришда ўйин тулари қайд этилган карточкалар	Тинглайди, савол-жавоб, фикрлар билдирадилар, маълумотларни ёзib олади, фикр мулоҳаза, кичик гурухда ишлаш

35 дақиқа	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ходисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кичик тажрибалар ўтказиш усуллари.	Баҳс мунозара. Кичик гурухда ишлаш	Слайдлар асосида маъруза. Тарқатма материаллар: “Сувнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ҳавонинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Кўмнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ўсимликларнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар” қайд этилган карточкалар	Тинглайди, савол-жавоб, фикрлар билдирадилар, маълумотларни ёзib олади, фикр мулоҳаза, кичик гурухда ишлаш
80 дақиқа	<b>З-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш маркази учун тажрибалар картотекаларини тайёрлаш (амалий 2 соат)</b>			
45 дақиқа	“Илк қадам ”мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида кўрсатилган мавзувий режа асосида жонсиз табиат билан таништириш бўйича тажрибалар рўйхатини тузиш	Баҳс мунозара. Кичик гурухда ишлаш	Тарқатма материаллар: “Сув билан ўтказиладиган тажрибалар”, “Ҳавонинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”, “Кўмнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”, “Магнитнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”	Тинглайди, савол-жавоб, фикрлар билдирадилар, маълумотларни ёзib олади, фикр мулоҳаза, кичик гурухда ишлаш
35 дақиқа	“Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида кўрсатилган мавзувий режа асосида жонли табиат билан таништириш бўйича тажрибалар рўйхатини тузиш	Баҳс мунозара. Кичик гурухда ишлаш	Тарқатма материаллар: “Ўсимликларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”, “Сабзовотларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”, “Меваларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар”	Тинглайди, савол-жавоб, фикрлар билдирадилар, маълумотларни ёзib олади, фикр мулоҳаза, кичик гурухда ишлаш

**1-мавзу.**

**“ФАН ВА ТАБИАТ” РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИДА  
БОЛАЛАРНИ ИЛК ТАДҚИҚОТЧИЛИК ҲАМДА ЎРГАНУВЧИ  
ТАДҚИҚИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА  
ҚАРАТИЛГАН ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН МАЗМУНИ**

**Мавзунинг технологик харитаси**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткич</b>	<b>Мазмуни</b>
1.	Фан:	“Фан ва табиат” ривожланиш марказларида таълимий фаолият
2.	Аудитория	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари
3.	Мавзу:	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни илк тадқиқотчилик ҳамда ўрганувчи тадқиқиий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён мазмуни
4.	Соат:	2 соат маъруза
5.	Тузувчи:	“Мактабгача таълим ва мусиқий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси М.М.Ризаева
6.	Сана:	2020 йил “_____” сентябрь

**Калим сўзлар:** ривожланиш маркази, педагогик жараён, болани қўллаб-қувватлаш, фикрлаш, мустақил, якка тартибда ёндашув, табиат ҳодисалари, таълимий фаолият, талаблар, таъминот.

**Мавзунинг қисқача таърифи** (Давлат талабларига мувофик).  
Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларидан бири бу табиат билан таништириш, табиат — болани маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаи экани, табиат билан таништиришнинг мазмуни, “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қўйилган талаблар, марказнинг методик таъминоти хақида маълумот бериш.

**Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

**Метод:** оғзаки баён қилиш, слайдлар тақдимоти, индивидуал ва гурухларда ишлаш, кичик маъруза.

**Шакл:** Маъруза, савол-жавоб, жамоа билан кичик гурухларда ишлаш.

**Воситалар (техник ва дидактик):** маъруза асосида тайёрланган тарқатма материаллар, доска, слайдлар.

**Назорат:** оғзаки назорат, ўзини ўзи назорат қилиш, савол-жавоб, тест орқали.

## **Баҳолаш: оғзаки рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш.**

### **Дарс (маъруза)нинг мақсад ва вазифалари:**

**Мақсад:** мавзуни тушунтириш орқали тингловчиларнинг мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларидан бири бу табиат билан таништириш, табиат — болани маънавий бойитишининг битмас-туганмас манбаи экани, табиат билан таништиришнинг услублари, “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қўйилган талаблар, марказнинг методик таъминоти хақида тушунчаларини янада ошириш.

**Таълимий:** табиат билан таништиришнинг услублари, кузатиш жараёнлари, кузатиш жараёнини бошқариш хақида маълумотлар бериш.

**Тарбиявий:** "Фан ва табиат" ривожланиш марказида ҳар бир боланинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда якка ёндашиш, болаларга жамоа бўлиб ишлаш, бир-бирини қўллаб қувватлаш қўнималарини шакллантириш хақида маълумотлар бериш.

**Ривожлантирувчи:** "Фан ва табиат" ривожланиш марказларида Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига ва "Илк қадам" мактабгача таълим муассасалари давлат ўкув дастурида йиллик мавзувий режа мазмунига мувофиқ таълимий фаолиятлар олиб борилиши, "Фан ва табиат" ривожланиш марказининг методик таъминоти хақида тушунча бериш.

**Вазифа:** Мақсадга мос равиша вазифаларни тингловчилар учун топшириқ ёки савол шаклида ифодалаш.

#### **Таълимий савол:**

- 1.“Табиат — болани маънавий бойитишининг битмас-туганмас манбаидир” деган иборанинг мазмунини қандай тушунасиз?
2. Табиат билан таништиришнинг қандай услубларини биласиз?
- 3."Фан ва табиат" марказини ташкил этишда қандай талаблар қўйилган?

#### **Тарбиявий савол:**

“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларга жамоа бўлиб ишлаш, бир-бирини қўллаб қувватлаш қўнималари қандай шакллантирилади?

#### **Ривожлантирувчи савол:**

- 1.“Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолиятлар қайси меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади?
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўкув дастурида табиат билан таништириш таълимий фаолияти турли гурӯхларда қандай миқдорда ўтилиши белгиланган?
3. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолиятлар қандай ташкил этилади?
- 4.“Фан ва табиат” ривожланиш маркази қандай методик таъминотга эга бўлиш керак?

#### **Кутилаётган натижалар:**

<p><b>Дарс (маъруза) якунида тингловчи билади (билим):</b> Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан танишириш, “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қўйилган талаблар, марказнинг методик таъминоти ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўладилар.</p>	<p><b>Қайси саволлар берилади:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>“Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қандай талаблар қўйилган?</li> <li>“Фан ва табиат” ривожланиш марказида қандай жиҳозлар, таълимий ўйинлар бўлиши керак?</li> </ol>		
<p><b>Дарс (амалиёт) якунида тингловчи тушунади (кўникма):</b> “Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолиятнинг олиб борилиши ҳақида ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўладилар.</p>	<p><b>Қайси саволлар берилади:</b></p> <p>“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларга қандай таълимий фаолиятлар олиб борилади?</p>		
<p><b>Дарс (маъруза) якунида тингловчи бажара олади (малака):</b> Тингловчиларнинг “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қўйилган талаблар, марказнинг методик таъминоти ҳақида мавжуд бўлган билимларни аниқлаш, мустаҳкамлаш.</p>	<p><b>Қандай топшириқлар берилади:</b></p> <p>болаларни табиат билан танишириш бўйича қандай усулларни биласиз? ёзиб беринг. (индивидуал, 5 дақиқада)</p>		
<p><b>Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</b></p>			
Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вакт
1-босқич: Ташкилий қисм.	Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларидан бири экани маълумот берилади.	Суҳбат-маъруза	5 дақиқа
2-босқич: Рефлексия эҳтиёжларни аниқлаш	Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан танишириш, “Фан ва табиат” ривожланиш марказида олиб бориладиган таълимий фаолиятларнинг мазмуни ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади.	Ақлий хужум	20 дақиқа
3-босқич: Янги мавзунинг баёни	Табиат билан танишириш, табиат — болани маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбай экани, табиат билан таниширишнинг услублари, “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қўйилган талаблар, марказ фаолиятининг мазмуни, марказнинг методик таъминоти ҳақида ёритиб берилади.	Маъруза	35 дақиқа
4-босқич: Мавзуни мустаҳкамлаш	Тингловчиларнинг мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан танишириш, “Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолият мазмунини ўзлаштириб олганлари амалий машқлар орқали мустаҳкамланади.	Мавзуни мустаҳкамло вчи топшириқ	15 дақиқа
5-босқич: Дарс якуни	Тингловчиларнинг мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан танишириш, “Фан ва табиат” марказининг фаолияти, марказни ташкил этишга қўйилган талаблар мавзулари бўйича кўникмалари ўрганилади.	“Баҳс мунозара”	5 дақиқа

## **Мавзу бўйича маъруза матни**

**1-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни илк тадқиқотчилик ҳамда ўрганувчи тадқиқий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён мазмуни (2 соат назарий).**

### **Режа:**

1. “Фан ва табиат” ривожланиш марказининг педагогик жараёнининг мазмуни
2. “Фан ва табиат” ривожланиш марказини методик таъминлаш

### **1. “Фан ва табиат” ривожланиш марказининг педагогик жараёнининг мазмуни**

Тингловчиларга “Табиат нима?”, “Табиат билан таништириш услублари”, “Табиат билан таништириш шакллари” “Фан ва табиат” маркази фаолияти мазмуни, “Фан ва табиат” марказига қўйилган талаблар қайд этилган карточкалар тарқатилади. Тингловчилар карточкадаги саволларга ўз фикр мулоҳазалари асосида жавоб берадилар. Тингловчилар томондан берилган жавоблардан сўнг ўқитувчи тамондан слайд тақдимот орқали умумлаштирилади.

**МАЪРУЗА**

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларидан бири бу табиат билан таништиришdir. Табиат — болани маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир. Болалар доимо у ёки бу шаклда табиат билан алоқада бўладилар. Уларни ям-яшил ўтлоқлар, анвои гуллар, капалаклар, қўнғизлар, қушлар, ҳайвонлар, сузиб юрган булутлар, паға-пага ёғаётган қор учқунлари, жилға ва кўлмаклар ўзига жалб қиласди. Ўсимлик ҳамда ҳайвонотларнинг хилма-хил олами болаларда табиатга нисбатан жонли қизиқиш ва ҳавас уйғотади, уларни фаолиятга ундейди. Табиат билан мулоқотда бўлиш болаларда атрофолам ҳақида реалистик билим, жонли мавжудотга инсоний муносабатда бўлишни шакллантиришга ёрдам беради.

Болани табиат билан таништириш, болада табиат ҳодисаларини тушунишга ўргатиши, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш мактабгача таълим ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан

биридир. Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш жараёнида табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни таркиб топтиришга катта эътибор берилади. Болалар табиат ҳақида жуда бўлмаганда илк билимларни эгаллаб олиб, ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилишнинг оддий усулларини ўрганиб, табиатни кузатиш, унинг гўзалликларини кўра олишни билиб олган тақдирдагина уларда табиатга нисбатан эҳтиёткорлик ва ғамхўрона муносабатда бўлишни тарбиялаш имконияти туғилади. Болаларда табиатга жонажон ўлка, она-Ватанга муҳаббат худди мана шу асосда шаклланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништириш хилма-хил шаклларда: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида, амалий машғулотларда, экспедицияларда, кундалик ҳаётда, кузатишларда (*сайр вақтида*), сұхбатларда, ҳамда меҳнат фаолиятида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилоти “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўкув дастурига асосан ҳар бир бола учун унинг қобилияти, имконияти, руҳий ва жисмоний ҳолатларини эътиборга олган ҳолда зарур шароитларни яратишга интилиши, ҳар бир бола шахсининг бетакрорлиги ва ноёблигини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсий қизиқишлари ва эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш, болаларга педагогларнинг таълимтарбия жараёнида индивидуал ёндашувини амалга ошириш имконини беради.

«Билиш жараёнини ривожлантириш» соҳасидаги ўкув-тарбиявий фаолият “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўкув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланиб “Фан ва табиат” ривожланиш марказида ва бошқа таълимий марказларда олиб борилади.

Асосан “Фан ва табиат” ривожланиш марказида ҳафталик мавзулар юзасидан табиат билан таништириш, атрофдаги олам билан таништириш бўйича таълимий-тарбиявий фаолиятлар олиб борилади. Шунингдек, тарбиячи бошқа марказ фаолиятларида ҳам, кун таркибининг бошқа қисмларида ҳам болаларнинг табиат ҳақидаги ўз фикрларини изчил баён қилиш ва хулосалар чиқариш, атроф-олам ҳақидаги ўз кузатишларини баён қилишларида ҳам болаларнинг тушунчалари, билимларига эътибор беради ва уни ривожлантиришга ҳаракат қиласи.

Марказдаги фаолият қизиқарли бўлиши, қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиши, таълимий материаллар ва ўйин анжомлари гуруҳ болаларининг ёшига мос, хавфсиз ва уларда қизиқиш пайдо қилиши лозим.

Марказдаги вазифа ва топшириқлар болаларга тушунарли бўлиши керак. “Фан ва табиат” ривожланиш марказибошқа марказлар қаторида ҳафтанинг бошида тайёрланади ва жиҳозланади.

Тарбиячи марказ иши давомида болалар эгаллаётган билим, малака, қўникмасини кузатади, тавсия этилган материалларнинг болалар учун қанчалик қизиқарли, тушунарли ва осонлигига эътибор қаратади. Агар керак бўлса, тарбиячи таълимий материалларни тўлдиради ёки ўзгартиради.

Марказдаги болалар фаолияти кузатув натижалари асосида тарбиячи табиат билан таништириш юзасидан бола ва унинг ота-оналари билан якка тартибда ишлашни режалаштиради.

Ҳар ҳафта охирида тарбиячи болаларнинг табиат билан таништириш юзасидан олиб борилган фаолиятни таҳлил қиласи, болалар нималарни билиб олганини, нимани билишни ҳохлашларини ўрганади, ҳар бир боланинг қизиқиши ва эҳтиёжини, катталар ва тенгдошлари билан ўзоро мулоқатини кузатади, хулосалайди. Шу билан бирга материаллар қай даражада қизиқарли ва саводли тайёрланганлиги, қўйилган мақсадга эришилдими ёки йўқлиги чуқур таҳлил этилади. Шундан сўнг кейинги ҳафтага тайёргарлик кўрилади.

Шундай қилиб, ривожланиш марказларида тўғри ташкил этилган иш ҳар бир болага ўзи ёқтирган фаолият билан машғул бўлишга, ўз кучи ва қобилиягини синаб кўришга, катталар ва тенгдошлари билан биргаликда фаолият юритишга, турли тажрибалар ўтказиш ва таҳлил қилишга имкон беради, айнан шулар ривожлантирувчи таълим негизини ташкил этади.

### **“Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолиятларнинг олиб борилиши**

Тарбиячи раҳбарлигига ўтадиган амалий машғулотлар, тажрибалар орқали болаларда Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига ва “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида йиллик мавзувий режа мазмунига мувофиқ билимлар шаклланади, асосий билиш жараёнлари ва болаларнинг қобилияtlари маълум бир тартибда ривожлантирилади.

Ривожланиш марказларини ташкил этишда болаларнинг ёш хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарур. Тарбиячи ой ва ҳафта мавзусига қараб ривожланиш марказларида материалларни ўзгаради.

Тарбиячи амалий машғулотларда таълимий ўйинлар, расмларни кўриш, бадиий асарларни ўқиши, ҳикоя, диафильм ва кинофильмларни кўрсатиш, табиатдаги меҳнат ва турли тажриба ўтказишдан фойдаланади. Болалар эгаллаган билим, малака, кўнижмаларини меҳнат ва ўйинларда амалда кўллайдилар.

Марказда ўтказилаётган тажрибалар болаларда қизиқиши уйғотади ва янги ихтиrolар қилишга ундейди. Марказда болалар билан биргаликда сув, қум, ўсимликлар, предметлар билан тажрибалар ўтказилади. Болалар жонли ва жонсиз табиат билан танишадилар, жонли ва жонсиз табиатни фарқлайдилар.

Бола атрофида маҳсус ривожлантирувчи муҳит яратилади, бола унда у яшайди ва мустақил ўрганади.

“Фан ва табиат” марказида болаларнинг эркин фаолияти уларни мустақил изланишга, тадқиқот жараёнига қўшилишга, педагогдан тайёр билимларни олмасликка ёрдам беради. Бу уларга қизиқувчанлик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўзларини ижодий намоён этиш қобилияти каби фазилатларни ривожлантиришга имкон беради.

“Фан ва табиат” марказида болаларнинг табиат ва дунё хилма-хиллиги ҳақидаги билимларини бойитиш учун шароит яратилиши керак. Ушбу марказда болалар ўсимликларни парвариш қилишни ўрганадилар. Бунинг учун уларга суғориш идишлари, тупроқни юмшатиш учун таёклар, сув пуркагич, баргларни артиш учун латта, полизда ишлаш учун кичик воситалар керак бўлади. Об-ҳавонинг ўзгаришини кунлик кузатиб бориш учун “Табиат тақвими”, табиат ва экология ҳақидаги барча зарур тасвирий, плакат материаллари, болаларда ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг хилма-хиллиги, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар, табиий меросни асраб-авайлаш кўникмаларини ривожлантириш учун ижобий ҳисса қўшадиган тўпламлар лозим.

Шунингдек, ушбу марказда тадқиқот ўтказиш учун жой ажратиш мумкин – мини лаборатория (шунчаки жавон). Бу ерга тадқиқот ўтказиш учун материаллар жойлаштирилади: лупа, контейнерлар, ўлчаш стаканлари, паднисчалар, таёклар, найчалар, суғориш идишлари, қум, лой, тошлар, ёғоч блоклар ва бошқалар. Бурчакда сув, қум, ҳаво, магнит ва бошқалар билан тажриба ўтказиш картотекаси бўлиши тавсия этилади.

Болалар табиат материалларини ўрганиш давомида фикрлайдилар, билим орттиришга мўлжалланган ўйинлар, ихтиро ва кичик тажрибаларни ўzlари учун кашф этадилар, уларда табиий тушунчалар шаклланади.

Марказда ҳаётимиз давомида ишлатиладиган нарсаларни қаердан келганлиги, уларни нимадан олинганлиги ҳақидаги билимларни олиш орқали уларга бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгаради. Масалан нонни дастурхонимизга келиши, пахтанинг чигитини эзиш орқали ундан ёғчикишини билиш, тарвузнинг уруғида ёғнинг йўқлигини, пиёзнинг илдизи билан стакандаги сувга солиб қўйилса уни ўсиши, уруғларни тувакларга сепиш орқали уларни униб чиқишини кўриш болалар учун жуда қизиқарли.

### **“Фан ва табиат” ривожланиш марказига қўйиладиган талаблар.**

1. Энг аввало боланинг саломатлигини сақлаш омиллари: тоза ҳаво, тоза жой, нормал ҳарорат ва ёруғлик билан таъминланадиган хоналар.

2. “Фан ва табиат” ривожланиш марказининг болани нохуш, кутилмаган ходисалардан сақлайдиган хавфсиз жойда бўлишини таъминлаш.

3. Марказларда жиҳозларнинг етарли бўлиши, кичик тадқиқот ва тажрибалар учун ҳам жиҳозлар етарли ва хавфсиз бўлиши лозим.

4. “Фан ва табиат” ривожланиш марказдаги барча жиҳоз ва қўлланмалар боланинг бўйи етадиган баландликда бўлиши ҳамда бола улардан бемалол фойдалана оладиган бўлиши керак.

5. Болалар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантириш ( кичик гурухлар, жуфт бўлиб ва ўйин ўйнашларига шароит яратилган бўлиши керак).

6. Болаларда ташкилотга тегишлилик, хавфсизлик ва эркинлик ҳиссини шакллантириш.

7.Марказлардаги ривожланиш мухити тарбиячиларга ҳам, болаларга ҳам қулай бўлиши керак.(*болалар бир-бирига хақим бермасликлари, тарбиячига ҳамма болаларни кузатиш имконияти мавжуд бўлиши*)

8. Мебель боланинг жисмоний ҳолатига ва эркин ҳаракатлана олишига тўсиқ бўлмайдиган қилиб жойлаштирилган бўлиши, бола ўзига тегишли мебелни бемалол ҳаракатлантира олиши лозим.

9. Болага эркин танлаш имкониятини бериш ва мустақил қарор қабул қилишга ундаш.

10. Ўз тенгдошлари билан муносабатга киришишига ёрдам бериш.

## 2. “Фан ва табиат” ривожланиш марказини методик таъминлаш.

Тингловчиларга “Фан ва табиат” марказининг методик таъминлаш, “Фан ва табиат” марказининг жиҳозлари қайд этилган карточалар тарқатилади. Тингловчилар карточкадаги саволларга ўз фикр мулоҳазалари асосида жавоб берадилар. Тингловчилар томондан берилган жавоблардан сўнг ўқитувчи тамондан слайд тақдимот орқали умумлаштирилади.

### МАЪРУЗА

«Билиш жараёнини ривожлантириш» соҳасидаги табиат билан таништириш таълимий-тарбиявий фаолияти “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланиб “Фан ва табиат” ривожланиш марказида ва кун давомидаги турли фаолиятларда (табиат ҳақидаги билимларини ривожлантирувчи ўйинлар таълимий, дидактика, мантиқий; сайр, мустақил фаолият, тажриба фаолияти, меҳнат фаолияти) олиб борилади.

“Фан ва табиат” ривожланиш марказида бериладиган билимларни болалар томонидан ўзлаштиришлари учун уларнинг фаол, ижодий, қизиқувчанлик, мустақил фаолиятигина самарали натижা бериши мумкин.

“Фан ва табиат” ривожланиш марказида методик таъминотдан таълим жараёнида самарали фойдаланиш давр талабиدير

**“Фан ва табиат” марказининг мақсадлари қўйидагилардан иборат:**

- сув, қор, қум, музнинг физик хусусиятларини билиш, когнитив муаммоларни ҳал қилиш ва холоса чиқариш;
- тирик оламга инсонийлик билан муомала қилиш, табиатдаги хатти-ҳаракат қоидаларига риоя қилиш, кузатилаётган ҳодисалар ҳақида айтиб бериш;

- витаминалар ва тўғри овқатланишнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти ҳақида билиш, саломатликнинг тўғри овқатланишга боғлиқлиги ҳақида фикрлар бўлиши;
- муаммоли вазиятларни ҳал қилиш, атроф-мухитни мухофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш;
- болалар тажриба ўтказади, тажриба муаммосини ажратиб кўрсатади, мустақил фаолият учун материаллар танлайди.

*Мазкур мақсадларни амалга ошириши учун қуийдаги ресурс таъминотлари зарур:*

- таълимий ўйинлар (“Кушлар”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Ўзбекистон дараҳтлари” “Лабиринт сўқмоқлари”, “Ер ва қуёш тизими”, “Океан ва қитъалар”, “Кимнинг боласи?”, “Кимнинг уйчаси” ва ҳ.к.);
- тақдимот материали (“Мамлакатимиз худудида яшовчи ҳайвонлар”, “Африка ҳайвонлари”...)
- географик хариталар, глобуслар (дунёнинг сиёсий харитаси, Ўзбекистон харитаси);
- экология мавзусига буклетли папка;
- макетлар (“Қуёш тизими”, “Юлдузли осмон”, “Фор одамлари”, “Карvonсарой”, “Чўл” ва ҳ.к.);
- тажриба ўтказиш бўйича альбомлар (“Сув хусусиятлари”, “Чўқади-чўкмайди”, “Уй лабораторияси” ва ҳ.к.);
- тадқиқотлар учун ускуналар, материаллар (колба, пробирка, штатив, мензурка, микроскоп, магнит, қум, лой, тошлар ва ҳ.к.);
- альбомлар (“Хона ўсимликларини парваришилаш қоидалари”, “Уй ва ёввойи ҳайвонлар”, “Кушлар”, “Ҳашаротлар”, “Дараҳтлар”, “Буталар”, “Гуллар”);
- картотека (хона ўсимликлари, тажриба-синовлар, экологик ривожлантирувчи ўйинлар, кузатувлар картотекаси);
- об-ҳавони кузатиш тақвими.

**“Фан ва табиат” ривожланиш маркази жиҳозлари:**

1. Чизма-жадваллар тажриба учун ҳар бир болага
2. Тозаланган қум
3. Тарози
4. Графинлар
5. Рангли ва шаффоф стаканлар
6. Лупалар
7. Катта –кичик ликобчалар
8. Турли ўлчамдаги сапалак тошлар
9. Қошиқлар(катта-кичик бир марталик)
10. Матолар каталоги
11. Иплар
12. Тугмалар
13. Магнит
14. Ҳаво шарлари
15. Микроскоп
16. Табиий бўёқлар

17. Ўлчов идишлари
18. Уруғлар
19. Дон-дунлар(мош, буғдой. нўхат)
20. Елпигич
21. Рангли қоғозлар, картон
22. Катта-кичик контейнерлар.

Ҳар бир ёш гуруҳда йилнинг фаслига мос табиий материал билан ўйнаш учун шароит яратилади. Булар қум майдончалари ҳамда қум столлари, қум ва қор билан ўйнаш учун шакл тўпламлари, одамлар ва ҳайвонларнинг резинкадан ясалган фигуralари, уй, дараҳтларнинг фанердан ясалган силуетлари, буталар, шохчалар, металл каркаслар бўлиб, булар ёрдамида фигуralар ясалади.

Тарбиячи табиатшунослик мазмунидаги ижодий сюжетли, ролли ўйинларни бойитиб, экскурсиялар, саирлар вақтида болаларни катталарнинг меҳнати ҳақидаги билимларини кенгайтиради, диафильмлар кўрсатади, китоблар ўқиб беради.

## **Назорат саволлари**

1. Табиат билан мулоқотда бўлиш болаларда атроф-олам ҳақида қандай муносабатда бўлишни шакллантиришга ёрдам беради?
2. “Табиат — болани маънавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир” деган иборанинг мазмунини қандай тушунасиз?
3. Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништириш қандай шаклларда ташкиллаштирилади?
4. Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништиришда қандай услублар қўлланилади?
5. “Фан ва табиат” ривожланиш марказини ташкил этишда қандай талаблар қўйилган?
6. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида таълимий фаолиятлар қайси меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади?
7. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида табиат билан таништириш таълимий фаолияти турли гуруҳларда қандай миқдорда ўтилиши белгиланган?
8. “Фан ва табиат” ривожланиш маркази қандай методик таъминотга эга бўлиш керак?

## **Тестлар:**

**1.Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама камол топтириш ва тарбиялашнинг энг самарали усулларидан бири ....?**

+Табиат билан таништириш  
ям-яшил ўтлоқларни кузатиш  
анвои гуллар билан таништириш  
атроф оламни кузатиш

**2.Мактабгача таълим ташкилотларининг болаларни табиат билан таништиришда энг муҳим вазифалардан бири ....?**

+Табиат ҳодисаларини тушунишга ўргатиш, табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Мазмунли расмлар орқали ҳикоялар тузиш, ўқилган бадиий асар юзасидан савол-жавобларда қатнашиш.

Айириш, қўшиш, катталикни билиш, таққослаш қаби математик амалларни бажаришга ўргатиш

Лой, пластилин, шўр хамирдандан нарсалар ясаш, расм чизиш , қофозни буқлаш йўли орқали нарсалар ясашга ўргатиш.

**3.Мактабгача таълим ташкилотларида табиат билан таништириш қандай шаклларда амалга оширилади?**

+“Фан ва табиат” ривожланиш марказида ва кундалик таълимий фаолиятларда

амалий машғулотларда  
экскурсияларда  
сухбатларда ҳамда меҳнатда

**4.“Фан ва табиат” ривожланиш марказида қандай таълимий фаолиятлар олиб борилади?**

+Табиат билан таништириш, атрофдаги олам билан таништириш  
Нутқ ўстириш бўйича таълимий ўйинлар  
Математика, нутқни ривожлантириш  
Боланинг йирик моторикасини ривожлантириш

**2-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш.**

**Мавзунинг технологик харитаси**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткич</b>	<b>Мазмуни</b>
1.	Фан:	“Фан ва табиат” ривожланиш марказларида таълимий фаолият
2.	Аудитория	Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари
3.	Мавзу:	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш
4.	Соат:	2 соат амалий
5.	Тузувчи:	“Мактабгача таълим ва мусиқий таълим” кафедраси катта ўқитувчиси М.М.Ризаева
6.	Сана:	2020 йил “_____” сентябрь

**Калим сўзлар:** жонли табиат, озиқланадилар, нафас оладилар, ўсадилар ва кўпаядилар; жонсиз табиат, ер, қуёш, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупрок; амалий услуб, ривожланиш маркази.

**Мавзунинг қисқача таърифи**(Давлат талабларига мувофиқ).

Табиатдаги нарсалар икки қисмдан: жонли ва жонсиз табиатдан иборатлиги, мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан таништириш хилма-хил шаклларда: “Фан ва табиат” ривожланиш маркази, амалий машғулотлар, экспурсияларда кузатишларда (*сайр вақтида*), кундалик ҳаётда, сухбатларда, меҳнатда амалга оширилиши, “Фан ва табиат” марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кичик тажрибалар ўтказиш усуллари хақида кўникма ва малакага эга бўладилар.

**Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси**

**Метод:**Оғзаки баён қилиш, слайдлар тақдимоти, индивидуал ва гурухларда ишлаш, кичик маъруза.

**Шакл:**Маъруза, савол-жавоб, жамоа билан кичик гурухларда ишлаш.

**Воситалар (техник ва дидактик):** Маъруза асосида тайёрланган тарқатма материаллар, доска, слайдлар.

**Назорат:** Оғзаки назорат, ўзини ўзи назорат қилиш, савол-жавоб, тест орқали.

**Баҳолаш:** Оғзаки рағбатлантириш, ўз-ўзини баҳолаш.

## Дарс (маъруза)нинг мақсад ва вазифалари:

<p><b>Мақсад:</b> мавзуни тушунтириш орқали тингловчиларнинг мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан танишириш хилма-хил шаклларда: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида, амалий машғулотларда, экспедицияларда кузатишларда (<i>сайр вақтида</i>), кундалик ҳаётда, сұхбатларда, меҳнатда амалга оширилиши, “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишириш, кичик тажрибалар ўтказиш усуллари ҳақида маълумотлар бериш.</p> <p><b>Таълимий:</b> табиат билан таниширишнинг методлари, кузатиш жараёнлари, кузатиш жараёнини бошқариш, жонсиз табиатга ер, қуёш, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупроқ, жонли табиатга эса ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар кириши ҳақида маълумотлар бериш.</p> <p><b>Тарбиявий:</b> “Фан ва табиат” ривожланиш марказида ҳар бир боланинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда якка ёндашиш, жамоа бўлиб ишлаш, бирбирини қўллаб қувватлаш, <b>ジョンリ ва жонсиз табиат билан танишириш орқали</b> табиатни ардоқлаш, эҳтиётлаш ҳис-туйғуларини тарбиялаш ҳақида маълумотлар бериш.</p> <p><b>Ривожлантирувчи:</b> “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишириш, кичик тажрибалар ўтказиш усуллари ҳақида тушунча бериш.</p>	<p><b>Вазифа:</b> Мақсадга мос равиша вазифаларни тингловчилар учун топшириқ ёки савол шаклида ифодалаш.</p> <p><b>Таълимий савол:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Жонли, жонсиз табиат тушунчасини изоҳланг.</li> <li>2. Мактабгача ёшдаги болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таниширишда қандай шакллардан фойдаланиш мумкин?</li> <li>4. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари кўпроқ қайси усулларда таниширилади?</li> </ol> <p><b>Тарбиявий савол:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таниширишда қандай воситалардан фойдаланилади?</li> <li>2. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида жонли ва жонсиз табиат билан танишириш учун қандай методик таъминотга эга бўлиши керак?</li> </ol> <p><b>Ривожлантирувчи савол:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таниширишда қандай кузатишлар олиб борилади?</li> </ol>
<p><b>Дарс (маъруза) якунида тингловчи билади (билим):</b> мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан танишириш хилма-хил шаклларда: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида, амалий машғулотларда, экспедицияларда кузатишларда (<i>сайр вақтида</i>), кундалик ҳаётда, сұхбатларда, меҳнатда амалга оширилиши, “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва</p>	<p><b>Қайси саволлар берилади:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан таниширишда қандай шаклларда ўтказилади?</li> <li>2. Мактабгача таълим ташкилотларида экспедицияларни қандай ташкил этилади?</li> </ol>

кичик тажрибалар ўтказиш усуллари ҳақида билим ва кўнималарга эга бўладилар.			
<b>Дарс (амалиёт) якунида тингловчи тушунади (кўникма):</b> Мактабгача ёшдаги болаларга ёшларига хос тарзда “Фан ва табиат” ривожланиш марказида жонли ва жонсиз табиат билан таништириш бўйича тажрибалар ўтказиш ҳақида билим ва кўнималарга эга бўладилар.	<b>Қайси саволлар берилади:</b> 1.Мактабгача ёшдаги болаларга “Фан ва табиат” ривожланиш марказида сув, ҳаво, ўсимликларнинг хусусиятлари билан таништиришда қандай тажрибалар ўтказилади?		
<b>Дарс (маъруза) якунида тингловчи бажара олади (малака):</b> Тингловчиларнинг тажрибалар орқали олган билимларини амалиётда қўллай билиш малакасини ошириш.	<b>Қандай топшириқлар берилади:</b> Тажрибалар ўтказиш болаларнинг қандай қобилиятларини ривожлантиришини ёзиб беринг (индивидуал, 5 дақиқада).		
<b>Дарс жараёни ва унинг босқичлари:</b>			
Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вақт
1-bosqich: Ташкилий қисм.	Тингловчиларга мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш таълимий фаолияти Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланиб олиб борилиши ҳақида маълумот берилади.	Суҳбат-маъруза	5 дақиқа
2-bosqich: Рефлексия эҳтиёжларни аниқлаш	Тингловчиларнинг жонли ва жонсиз табиат мазмуни, жонли ва жонсиз табиат билан таништириш шакллари ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади.	Ақлий ҳужум	20 дақиқа
3-bosqich: Янги мавзунинг баёни	“Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусида кичик гурӯҳларда тажрибалар ўтказиш	Кичик гурӯҳларда ишлаш	35 дақиқа
4-bosqich:Мавзуни мустаҳкамлаш	Тингловчиларнинг “Фан ва табиат” ривожланиш марказида тажрибалар қандай тартибда олиб борилиши ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади.	Мавзуни мустаҳкамлов чи топшириқ	15 дақиқа
5-bosqich: Дарс якуни	Тингловчиларнинг мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан таништириш методлари бўйича кўнималари ўрганилади.	Баҳс-мунозара	5 дақиқа

## **Мавзу бўйича маъруза матни**

**2-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништириш**

**(2 соат амалий).**

**Режа:**

1. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услуг ва унинг турлари

2. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кичик тажрибалар ўtkазиш усуллари.

### **1.“Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услуг ва унинг турлари**

Тингловчиларнинг болаларни жонли ва жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услуг ва унинг турлари ҳақида тушунчаларини аниқлаш мақсадида “Жонли табиат тушунчасига изоҳ”, “Жонсиз табиат тушунчасига изоҳ”, “Жонли табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услублар”, “Жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услублар” деб ёзувлар қайд этилган карточкалар тарқатилади. Тингловчилар карточкадаги саволларга ўз фикр мулоҳазалари асосида жавоб берадилар. Тингловчилар томондан берилган жавоблардан сўнг ўқитувчи тамондан слайд тақдимот орқали умумлаштирилади.

**МАЪРУЗА**

Мактабгача ёшдаги болаларни табиат билан таништириш жараёни Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланиб ўтказилади.

Табиат — битмас-туганмас хазинадир. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ёш қалбнинг тўғри ўсиб шаклланишида, табиатда бўладиган воқеа-ҳодисаларнинг сир-асорини ўрганиб вояга етишида катта манба бўлиб хизмат қиласиди.

## **Табиатдаги нарсалар икки қисмдан: жонли ва жонсиз табиатдан иборатдир.**

Жонли табиатдаги барча мавжудотлардан энг құдратлиси инсондир. Инсон фикрлайды, мәхнат қиласы, турлы кашфиётлар ихтиро қиласы. Табиат инсонни маңнавий бойитишнинг битмас-туганмас манбаидир. Табиат билан инсон ўртасидаги үйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг ролі ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, үзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу үз навбатида баркамол инсоннинг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Табиатга нисбатан муҳаббат уйғотишина Ватанга, унинг табиат ёдгорликлари, тарихий обидалари, халқимизнинг анъаналарига хурмат руҳида тарбиялашга, юксак маңнавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади.

Жонли табиатга киравчилар эса озиқланадилар, нафас оладилар, ўсадилар ва кўпаядилар. Жонли табиат вакиллари ўсимлик, ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик ва озуқа бўлмаса яшай олмайди.

Жонсиз табиатга ер, қуёш, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупроқ киради. Жонсиз табиат дейилишига сабаб улар озиқланмайди, ўсмайди, кўпаймайди, ривожланмайди. Масалан, тошни олсак, унга сув ҳам, ҳаво ҳам керак эмас.

Жонли табиатга эса ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар киради.

**Жонсиз табиатни кузатишида болалар** ўзларини ўраб турган борлиқни, табиат ҳодисаларини кузатишилари, жонсиз табиат обьектларининг айрим хосса ва хусусиятларини, об-ҳаводаги ўзгаришларни (*совуқ, иссиқ, илиқ, қуёшли, булутли бўлиши; шамол эсиши, ёмғир, қор ёки дўл ёзиши*), сув, муз ва қорнинг айрим хусусиятлари (*тиниқ, тоза сув истеъмол қилинади; қор юмиоқ, оппоқ, уни истеъмол қилиб бўлмайди, қордан қорбобо ясаш, қорбўрон ўйнаш мумкин, муз қаттиқ, муз эриб сувга айланади*) билишлари керак.

Болаларга табиатдаги айрим нарсаларнинг ўзига хос хусусиятлари (*тош-қаттиқ, қум-сочишувчан*) ҳақида қизиқарли тарзда тушунчалар берилади.

Жонсиз табиат билан таништиришида боланинг тун ва кун ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади, кун қисмлари давомида (*эрталаб, кундуз, кечқурун, тун*) катталар ва болаларнинг ҳаракатлари ҳақида сұхбатлар ўтказилади, йил фаслларининг алмашиб келиши ва уларнинг номларини (куз, қишлоқ, баҳор, ёз) расмлар орқали айтиб берилади.

**Жонли табиат билан таништиришида** болалар ўсимликлар дунёси: сабзавотлар ва меваларнинг ўзига хос белгилари билан таништирилади. Сабзавотлар полизда, мевалар эса боғда, дараҳтда ўсиши; сабзавотлар ҳар йили экилиши, мевали дараҳтлар эса кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиши ҳақида қисқача тушунча берилади.

Болалардаги сабзавотлар: сабзи, картошка, шолғом, пиёз, помидор, бодринг ва мевалар: олма, гирос, ўрик, олча, анор, нок ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади. Мактабга тайёрлов гуруҳида лавлаги,

редиска, турп, саримсоқ каби сабзовотлар; шафтоли, олхўри, хурмо каби мевалар ҳам таништирилади. Болаларга сабзавот ва меваларнинг номини, ранги, шакли, ўлчами, таъми, тановул қилиниши (*пиширилади, тузланади, қуритилади ёки хомлигича ейилади*) ҳақида амалий машғулотлар орқали тушунчалар берилади. Таълимий фаолиятларда мева ва сабзовотларни расмлар орқали гурухларга (мевалар, сабзовотлар) ажратишга ўргатилади. Сабзавот ва мевалар етиштиришда катталарнинг меҳнати ҳақидаги тасаввурни шакллантирилади.

Болаларни гуллайдиган маданий (*чиннигул*), ўт ўсимлик (*бойчечак*) ва доривор ўсимликлар (*мойчечак, ялпиз*) билан таништиришда энг яхши шароит бу ташкилотдаги ер майдончадир. Майдончада болаларнинг эътибори баргларнинг шаклига, пояси ва гулларидағи фарқларга, баъзи ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларига қаратилади.

**Ҳайвоном дунёси билан таништиришда** болаларни фасллар ўзгарганда, хусусан, куз ва қиши даврида айик, бўри, олмахон, қуён, тошбақа сингари ёввойи ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи (*қаерда яшайди, нима билан озиқланади, душманларидан қандай ҳимояланади*) ҳақидаги тасаввурлари бойитилади.

Бу фаслда уй ҳайвонларининг ҳаёти қандай кечиши, уларнинг болалари (*ит-кучукча, мушук-мушукча, қўй-қўзичоқ, сигир-бузоқ, эчки-улоқча в.б.*) ҳақида тушунчалари аниқланади ва кенгайтирилади.

Уй ва ёввойи ҳайвонларни расмлар орқали гурухларга (уй ва ёввойи ҳайвонлар) ажратишга ўргатилади.

Паррандаларни (*ўрдак ва жўёжалари, курка ва жўёжалари*) парвариш қилиш ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади. Паррандаларни болалари билан расмлар орқали гурухларга ажратишга ўргатилади.

Бола диққатини кунлар илиши билан қушлар кўпайиб, ҳашаротлар пайдо бўлиши, кунлар совиши билан ҳашаротлар буткул кўринмай қолганига, ташкилот ҳовлисидаги қушлар ҳам камайиб кетганига қаратилади. Совуқ қиши кунида қорни очиб овқат излаётган қушчага қийин эканлигини ҳис этиш, қушларга ғамхўрлик қилиш (*майдончада учиб юрган қушларга дон сепии*) ҳисси тарбияланади.

Кушларнинг нима билан озиқланиши, қишлоқ хўжалигига келтирадиган фойдаси ҳақида ҳам қисқача маълумот берилади.

Атроф-мухитда учрайдиган ҳашаротлар (*капалак, хонқизи, асалари, ниначи, тиллақўнгиз*)ни фарқлашга ўргатилади.

Уй ва ёввойи қушларни расмлар орқали гурухларга (уй ва ёввойи қушлар) ажратишга ўргатилади. Болаларда илк экологик маданиятни тарбияланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида жонли ва жонсиз табиат билан таништириш хилма-хил шаклларда:

“Фан ва табиат” ривожланиш фаоллик марказида,  
амалий машғулотларда,  
экскурсияларда кузатишларда (*сайр вақтида*),  
кундалик ҳаётда,

сухбатларда,

мехнатда ва турли тажрибалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотида болаларни табиат билан таништириш жараёнида турли услублардан фойдаланилади. Табиат билан таништириш услублари учта асосий гурухга бўлинади:

Кўргазмали услуг — кузатиш, расмларни кўриш, диафильм, кинофильм, экскурсиялар.

Амалий услуг — ўйин методи, меҳнат, оддий тажрибалар.

Оғзаки услуг — тарбиячининг ҳикояси, бадиий асарларни ўқиши, сухбат.

Услубларни танлашда тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятлари, психологияси, билимлари, дастур талаблари, ўз ўлкаси иқлимининг табиати, педагогик тамойилларга мослашади. Юқоридаги услублар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

**Кузатиш услуби.** Турли ёш гурухларда болаларни табиат билан таништиришда тарбиячи қўргазмали метод - кузатишдан кенг фойдаланади. Кузатиш - табиат жисмлари ва ҳодисаларнинг табиий шароитларда мақсадга йўналган ва бевосита шу ҳодисаларни боришига аралашмаган ҳолда сезгилар билан қабул қилиб олишдир. Кузатиш мураккаб билиш фаолияти бўлиб, бунда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этиб, барқарор диққат талаб этилади.

Болаларни табиат билан таништиришда доимий кузатишлар олиб бориш уларнинг мантиқий фикр юритиши ва нутқини ўстиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Болаларни табиатдаги нарса ва ҳодисалар билан маълум бир тартибда таништириб борилса, уларда диққат ва кузатувчанлик, табиатга қизиқиш, ундаги ҳодисаларни билишга интилиш кучайиб боради.

Кузата билиш — жуда муҳим хусусият бўлиб, бунда болада тўғри ёза билиш, оғзаки нутқ малакалари ривожланади.

Болаларни ҳодиса ва нарсаларни мақсадга мувофиқ ҳолда ўзлаштира олишга ва уларнинг энг муҳимларини ажратса олишга ўргатиш зарур. Тарбиячи кузатиш ишларини олиб боришида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва сабабларнинг боғланишларини илғаб олишни болаларга ўргатиши керак. Шундай қилиб мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккурлари табиат ҳақидаги аниқ билимларни тўплаш орқали ўсади. Кузатишлар диққатни жалб қилиш йўли билангина олиб борилиши мумкин. Кузатиш, яъни нарса ва ҳодисаларга диққатни мақсадга мувофиқ ҳолда жалб қилишга ўргатиш билан, биз уларда ихтиёрий диққатни ҳам ўстирамиз.

Болаларда табиатга қизиқиши тарбиялаш зарур, чунки у соғлом бўлмаган фаолиятларда ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, болалар қўнғиз ва капалакларни тутиб олиб, нима қиласар экан деб, уларнинг қанот ва оёқларини узиб ташлайдилар. Ёки ҳайвонларни, қушларни қийнаб, натижаси нима бўлар экан, деб қизиқадилар. Уларга табиатнинг ўзаро боғлиқлигини,

яъни унинг «олтин занжир» эканлигини тушунтириш зарур. Бу орқали болаларга экологик таълим-тарбия бериб борилади.

Кузатишлар давомийлиги ва характеристи бўйича қисқа муддатли ва узок муддатли бўлиши мумкин.

1) Қисқа муддатли кузатиш – бунга дараҳтлардан баргнинг тўкилиши, шамол бўлиши, қор, ёмғир ёғиши, дараҳтларнинг гуллари мевалари ўсиб туриши кузатишимииз мумкин.

Қисқа муддатли кузатиш жараёнида болалар нарсаларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, тузилиши, фазовий жойлашуви, сатҳининг характеристини фарқлашни, ҳайвонлар билан танишганда эса ҳаракат характеристи, уларнинг чиқарадиган товушларини ўрганадилар. Бу кузатиш турига масалан, қор ёки ёмғир ёғиши, камалакнинг ҳосил бўлиши каби ҳолатлар киради.

2) Узок муддатли кузатиш – экилган ўсимликни ўсиб, униб чиққанидан то катта бўлгунига қадар ўтган вақт кузатилади. Бу жараённи жонворларда ҳам кузатиш мумкин. Жониворларнинг ўсиши, яшаш шароити кузатилади.

Ўсимлик ва ҳайвонларни ўсиши ҳамда ривожланиши, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар ҳақидаги билимларнинг жамғарилиши учун кузатишнинг анча мураккаброқ тури - узок муддатли кузатишлардан фойдаланилади. Бунда болаларнинг обьектнинг кузатилаётган ҳолатини илгаригиси билан қиёслашларига тўғри келади.

3) Солиштирма кузатиш - узок ва қисқа муддатли кузатишлар орасидаги фарқни ажратади олиш натижасида ташкил этилади.

Кузатиш нарсаларнинг айрим белгиларига қараб ҳолатларини аниқлаш (масалан, гулнинг баргига қараб уни суғориш, аквариумдаги сувнинг ҳолатига қараб сувни алмаштириш, ёки қордаги изга қараб қайси қушнинг изи эканлиги, меваларнинг пишган ёки хомлигини рангига қараб ажратиш) мақсадида ҳам ташкил этилади. Кузатишнинг бу тури болаларда табиат ҳодисаларини анализ қилиш, айрим маълумотларни қиёслаш, соддароқ хуносалар чиқариш кўникмаларининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Кузатишлар мазмунига ва тарбиячининг ўз олдига қўйган мақсадига кўра ўсимлик ва ҳайвонлар, об-ҳаво ҳамда катталарнинг табиатдаги меҳнати билан экспурсия, сайрларда, шунингдек табиат бурчагидаги машғулотларда ташкил этилади.

Барча ҳолларда кузатиш болаларнинг юксак ақлий фаолиятини ривожлантириши, уларни фикрлашга, берилган саволларга жавоб топишга ундаши, шунингдек, улардаги қизиқишлиарни ривожлантириши ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарбиялаши лозим.

**Тарбиячининг кузатишга тайёрланиши.** Кузатишни ташкил этишда обьект танлаш катта аҳамиятга эга. Танланган обьект яхши ҳолатда бўлиши керак, яъни ўсимлик сўлимаган, навлари ўралмаган, ҳайвон қўлга ўргатилган, соғлом, болалардан чўчимайдиган бўлиши зарур. Кузатиш табиат бўлса, обьект яхши ёритилган бўлиши, унга яқинлашиш қулай бўлиши учун ёруғлик ён томондан тушиб туриши лозим. Болалар ҳайвонларнинг

ҳаракатини кузата туриб, овқат беришлари, силашлари, улар билан ўйнашлари мумкин. Бунда ҳайвонлар ўзларини эркин тутишлари, бемалол ҳаракат қилишлари зарур. Бунинг учун болалар табиат бурчагида қулай жойлашиб ўтиришлари мақсадга мувофиқдир.

**Кузатишни бошқариш.** Тарбиячи кузатишни биринчи маротаба ўтказётган бўлса, дастлаб болаларда ҳосил бўлган қизиқишиларини қондириш ҳамда кузатилаётган нарса ҳақида биринчи таассурот ҳосил қилиш учун уларни камидаги 1-2 дакиқа томоша қилдириб туради.

Кузатишни бошқариш жараёнида тарбиячи хилма-хил усуллардан — болаларнинг ёшларига мос савол ва топшириқлар, нарсани ушлаб кўриш, қиёслаш, ўйин ҳаракатларидан фойдаланади.

Тарбиячи кузатишни ташкил қила туриб, керакли маълумотларни айтиши, кузатиладиган обьектнинг муҳим хусусиятларини ажратиши зарур. Болаларда кузатишга нисбатан қизиқиш уйғотиш, кузатилаётган нарсаларни эстетик идрок этиш учун тарбиячи шеърлардан, топишмоқлардан, катта ёш гурухларда эса бадиий асарларни ўқишдан фойдаланади.

Ҳайвонларни кузатишда тарбиячи изчилликка риоя этиб, болаларнинг диққатини «Нима қиляпти?», «Қандай юряпти?», «Нима еяпти?», «Қандай еяпти?», «Танаси нима билан қопланган?», «Оёқлари қандай — узунми ё қисқами?», «Кўзлари қандай (шакли, ранги)?» каби саволлар ёрдамида ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатига қаратади.

Ўсимликларни кузатиш уларнинг энг ёрқин, кўзга ташланадиган белгиларини белгилаш ва ажратиб кўрсатишдан бошланади. Бу ўсимликнинг гули ёки унинг ёрқин рангдор барглари, баъзан пояси (масалан, кактус) бўлиши мумкин. Ана шундан сўнг ўсимлик ташқи тузилишининг асосий хусусиятлари — катталиги, шакли, пояси (ёки танаси), барглари, гуллари ва шу кабилар тартиб билан кўриб чиқилади. Бундай изчиллик мактабгача ёшдаги болаларнинг диққати ҳали етарлича барқарор эмаслиги, кўп жиҳатдан беихтиёрийлиги туфайли зарурдир. Бироқ машғулот охирида кузатиш жараёнида пайдо бўлган тасаввурлар натижасини умумлаштириш лозим. Тарбиячи топшириқ беришнинг турли усулларидан фойдаланиб, «Гапириб бер-чи, қаердан билдинг?, Нимаси билан фарқ қиласи?» каби савол ва топшириқлар билан болаларнинг кузатиш орқали нутқларининг ўсишига ёрдам беради.

Барча ҳолларда, тарбиячи кузатишни ташкил этар экан, унинг аниқ бир вазифадан иккинчисига, фактлардан алоқаларга, тасаввурлар тўплашдан уларни қиёслашга, сўнгра хulosалар чиқаришга ўтишда изчилликка риоя қилиши лозим. Шунда болаларда мантиқий тафаккур ўсади. Ҳар бир кузатишда болаларни табиат билан таништиришнинг кичик, аниқ вазифасини ҳал этиш лозим. Шунинг учун кузатишларнинг ҳар бири илгаригиси билан боғланиб ўтказилиши зарур.

Тарбиячи узоқ муддатли кузатишни ташкил этишда, уни олдиндан бир қатор эпизодик кузатишлар — «бўлакларга» тақсимлайди. Бундай кузатиш ўсимликлар ривожланишидаги ўзгаришлар аниқ кўринадиган вақтда

ўтказилади. Тарбиячи болаларга ўсимликни томоша қилиб, белгиларини қайд қилишни (биринчи баргларнинг чиқишини, ўсимтанинг уруғ қобиғини ёриб чиқаётганини кузатишни) тавсия этади. Якуний кузатишда болалар кузатилаётган ўсимлик ривожланишининг бутун тасвирини тиклаши лозим. Буни кузатишлар кундалик дафтари, турлича расмлар, гербарийлар, катта ёш гурухдарда эса чизмали жадваллар асосида ташкил этиш мумкин.

## **Мактабга тайёрлов гуруҳида жонли табиат билан таништириш бўйича таълимий фаолият намуналари**

### **Мавзу: Ўзбекистон қушлари**

**Мақсад:** болалар айрим қишлиб қоладиган ва иссиқ ўлкаларга учib кетадиган қушлар номини биладилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** “Ўзбекистон қушлари” фотоальбоми ёки слайдлари, “Қушларнинг овозлари” овоз ёзуви.

### **Фаолиятнинг бориши:**

1. “Ўзбекистон қушлари” альбомини томоша қилиш.
2. Қушлар номларини топиш.
3. “Қушлар овози” овозли ёзувларини тинглаш.
4. Алоҳида варақларда қишлоғчи ва учib кетувчи қушларни белгилаш топшириғини бажариш.

**Қўшимча:** қушларга тақлид қилиш, бошқа қушлар тасвирланган карточкаларни кўриб чиқиши.

**Эътиборга молик жиҳати:** хотира ва диққатни ривожлантириш, тинглаш малакаси.





### Мавзу: Капалакнинг ҳаёт муддати (цикли)

**Мақсад:** болалар ҳашаротларнинг ҳаёти билан танишадилар, капалакнинг тузилишини тасвирлаб берадилар.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** тематик расмлар, “Капалакнинг ҳаёт муддати” ўқув қўлланмаси, капалаклар муляжи ва расми, капалак қурти, пилласи.

#### Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг қандай ҳашаротларни билишларини аниқлаш.
2. Дидактик қўлланмадан капалак ҳаёти муддатийлигини ўрганиш.
3. Капалақ, капалак қурти ва пилласини кузатиш.
4. Муляжлардан ҳаёт циклини яратиб, уни изоҳлаб бериш.

**Қўшимча:** капалак пазлинин йифиши.

**Эътиборга молик жиҳати:** ҳаётни тадқиқот билан боғлаш, янги билимлар билан ўртоқлашиш.





## Табиат билан таништиришда ўйин турлари

Табиатнинг оддий ҳодиса ва тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган кузатишлар билан бир қаторда хилма-хил ўйинлардан кенг фойдаланилади. Бу ўйинларда болалар сезувчанлик тажрибасини орттирадилар, эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштирадилар. Болаларни табиат билан таништиришда таълимий, ҳаракатли ва ижодий ўйинлардан фойдаланилади.

**Таълимий ўйинлар.** Таълимий ўйинларда болалар ўзларида табиатдаги нарса ва ҳодисалар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳақида мавжуд бўлган билимларни аниқлайдилар, мустаҳкамлайдилар, кенгайтирадилар. Кўпгина ўйинлар болаларни умумлаштириш ҳамда туркумлашга ўргатади.

Таълимий ўйинлар хотира, дикқат, кузатувчанликнинг ўсишига ёрдам беради, янги шароитларда болаларни мавжуд билимларидан фойдаланишга ўргатади, турли ақлий жараёнларни фаоллаштиради, луғатни бойитади, болаларда биргаликда ўйнаш кўникмасини тарбиялашга ёрдам беради. Болаларни табиат билан таништиришда предметли, стол-босма ва оғзаки дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

**Предметли ўйинлар** — барглар, уруғлар, гуллар, мевалар, сабзавотлар билан ўйналадиган «Ажойиб қопча», «Мевалар ва илдизлар», «Бу бутоқда кимнинг болакайлари» ва шу каби ўйинлардир. Бу ўйинлар ёрдамида болалар фаол мулоқотда бўладиган предметларнинг хусусият ҳамда белгилари ҳақидаги тасаввурлари аниқланиб бойитилади. Предметли ўйинлар, айниқса кичик ва ўрта ёш гуруҳларда кенг қўлланилади. Бу ўйинлар болаларга табиат жисмларининг ўзидан фойдаланиш, уларни қиёслаш, ҳамда уларда содир бўладиган айрим ташқи белгиларидағи ўзгаришларни қайд қилиш имконини беради. Предметли ўйинлар барча ёшдаги гуруҳларнинг бироз мураккаблаштирилган билимларини кенгайтириш, тафаккурларини кучайтириш ҳамда ҳаракатларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

**Стол-босма ўйинлари** — «Йилнинг тўрт фасли», «Кичкинтойлар», «Мевалар», «Ўсимликлар», «Баргларни териб ол», «Жуфт расмлар» ва шу кабилардир. Бу ўйинлар болаларнинг ўсимликлар, ҳайвонлар жонсиз табиат ҳодисалари ҳақидаги билимларини ўзлаштириш, айтилаётган сўзга қараб

предметни тасвирлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Ўйин сўз билан биргаликда олиб борилади, сўз ё расм идрок этилишидан олдин келади ёки ўйин билан уйғунлашиб кетади. Бундай ўйинлар озчилик болалар билан ўтказилади.

**Оғзаки ўйинлар** («У нима учун учади, югуради, сакрайди», «Сувда, хавода, ерда», «Керак-керак эмас» ва шу кабилар) ҳеч қандай жиҳоз талаб қилинмаслиги туфайли жуда мақбулдир. Улар у ёки бу предметларнинг вазифалари ҳамда харакатлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ва бир тизимга солиш мақсадида ўйналади. Бу ўйинлар дикқатни, зеҳнни, қабул қилиш тезлигини, равон нутқни ривожлантиради.

Табиатга оид ўйинларни ўрганиш барча дидактик ўйинлар учун умумий бўлган қоидалар бўйича амалга оширилади. Кичик ёш гурухларда дастлабки босқичларда тарбиячи ўйинни болалар билан бирга ўйнайди, ўйин давомида у бир қўлдани айтиб, уни шу заҳотиёқ тадбиқ қиласди. Такрорий ўйинда эса қўшимча қўлдаларни айтади. Иккинчи босқичда тарбиячи ўйинда фаол қатнашмайди, четдан раҳбарлик қилиб, ўйинни бошқариб туради. Учинчи босқичда болалар мустақил ўйнайдилар.

Ўрта ёш гуруҳдан бошлаб ўйинга ўргатиш усули ўзгаради. Аввал тарбиячи ўйиннинг мазмунини айтиб, олдиндан 1-2 та муҳим қўлдани ажратиб кўрсатади. Ўйин давомида у бу қўлдаларни яна бир бор таъкидлайди. Ўйин харакатларини кўрсатади, қўшимча қўлдаларни беради. Кейинги босқичда болалар мустақил ўйнайдилар. Тарбиячи ўйинни қузатиб туради, хатоларни тўғрилайди, низоларни бартараф қиласди. Ўйинга қизиқиши сусайган вақтда тарбиячи ўйиннинг бошқа турларини таклиф қиласди.

**Ўйин машқлари ва ўйин-машғулотлар.** Айтиб ўтилган ўйинлардан ташқари болалар билан бўладиган иш жараённида кўпинча ўйин машқларидан («Баргига қараб дарахтни топ», «Таъмидан билиб ол», «Худди шунга ўхшаш гулни топ», «Сариқ баргни олиб кел» ва бошқалар) фойдаланилади. Ўйин машқлари нарса ва ҳодисаларни сифати ҳамда хусусиятига кўра фарқлашга ўргатади, қузатувчанликни ўстиради.

Бу ўйинлар бутун гуруҳ болалари билан ёки уларнинг бир қисми билан ўтказилади. Ўйин машқлари кичик ва ўрта гурухларда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Таълимий ўйин-машғулотлар** «Ажойиб қопча», «Гул магазини» каби ўйинларни ўз ичига олади. Улар маълум мазмунга эга бўлиб, ўйин-машғулотларга қизиқарлилик киритади. Бунда ўқитиш ўйин қоидалари, харакатлари орқали бевосита олиб борилади. Ўйин-машғулотлардан кичик ва ўрта гурухларда фойдаланилади, катта гурухларда эса улар машғулотнинг бир қисмини ташкил этади.

**Ҳаракатли ўйинлар.** Табиатшунослик характеридаги ҳаракатли ўйинлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, уларнинг ҳаёт тарзига тақлид қилиш билан боғлиқ бўлиб, баъзиларида жонсиз табиат ҳодисаларини акс эттиради. Бу «Она товук ва жўжалар», «Мушук ва сичқонлар», «Куёш ва ёмғир» ва шу каби ўйинлардир.

Ҳар бир ёш гуруҳда йилнинг фаслига мос табиий материал билан ўйнаш учун шароит яратилади. Булар қум майдончалари ҳамда қум столлари, қум ва қор билан ўйнаш учун шакл тўпламлари, одамлар ва ҳайвонларнинг резинкадан ясалган фигуralари, уй, дараҳтларнинг фанердан ясалган силуетлари, буталар, шохчалар, металл каркаслар бўлиб, булар ёрдамида фигуralар ясалади. Тарбиячи болаларга ўйин учун табиий материалларни танлашда ва улардан фойдаланишда ёрдам беради ҳамда фойдаланиш усулларини кўрсатади.

**Тушунчалар асосида амалий жараён ташкил этилади.**

### **Кичик гуруҳларда жуфтликда ишлаш**

Амалий дарс машғулотида тингловчилар кичик гуруҳларга бўлиниб “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонли табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услублар; “Фан ва табиат” ривожланиш марказида болаларни жонсиз табиат билан таништиришда қўлланиладиган амалий услублар, “Табиат билан таништиришда ўйин турлари”; “Табиат билан таништиришда меҳнат жарёнидан фойдаланиш” каби мавзуларда тақдимот қилиш топшириги берилади.

Ҳар бир топшириқ кичик гуруҳларда ишланиб, гуруҳ аъзолари томонидан тақдимот қиласидилар. Тақдимот давомида вазифаларда акс этган фикр-мулоҳазаларни муҳокама қиласидилар, масалаларини амалий иш кўринишида таҳлил қиласидилар, фикр алмашиш имконига эга бўладилар.


### **2.“Фан ва табиат” ривожланиш марказида нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш ва кичик тажрибалар ўтказиш усуллари**

Тингловчиларнинг мактабгача ёшдаги болаларга ёшлирига хос тарзда “Фан ва табиат” ривожланиш марказида жонли ва жонсиз табиат билан таништиришда қандай тажрибалар ўтказилиши мумкинлиги ҳақида тушунчаларини аниқлаш мақсадида “Сувнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ҳавонинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Кумнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ўсимликларнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар” деб ёзувлар қайд этилган карточкалар тингловчиларга тарқатилади. Тингловчилар карточкадаги саволларга ўз фикр мулоҳазалари асосида жавоб берадилар. Тингловчилар томондан берилган жавоблардан сўнг ўқитувчи тамондан слайд тақдимот орқали умумлаштирилади.


**МАЪРУЗА**

“Фан ва табиат” ривожланиш марказида тарбиячи болаларни нарса ва ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таниширишда эгаллаётган билим, малака, кўникмасини кузатади, тавсия этилган материалларнинг болалар учун қанчалик қизиқарли, тушунарли ва осонлигига эътибор қаратади. Агар керак бўлса, тарбиячи таълимий материалларни тўлдиради ёки ўзгартиради. Кузатув натижалари асосида тарбиячи табиат билан танишириш юзасидан бола ва унинг отоналари билан якка тартибда ишлашни режалаштиради.

“Фан ва табиат” ривожланиш марказларида тўғри ташкил этилган иш ҳар бир болага ўзи ёқтирган фаолият билан машғул бўлишга, ўз кучи ва қобилиятини синаб кўришга, катталар ва тенгдошлари билан биргаликда фаолият юритишга, турли тажрибалар ўtkазиш ва таҳлил қилишга имкон беради, айнан шулар ривожлантирувчи таълим негизини ташкил этади.



Тарбиячи раҳбарлигида ўтадиган амалий машғулотлар, тажрибалар орқали болаларда Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига ва ““Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурида йиллик мавзувий режа мазмунига мувофиқ билимлар шаклланади, асосий билиш жараёнлари ва болаларнинг қобилиятлари маълум бир тартибда ривожлантирилади.



Экскурсиялар ўрта гурухдан бошлаб ташкил этилади. Барча гурухларда қўшимча сифатида мақсадли сайрлар ўтказилади.

Тажрибалар самаралилиги

тарбиячининг тайёргарлик даражасига боғлиқдир. Тарбиячи таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг турли инновацион, замонавий методлари, шакллари ва воситаларидан фойдаланиши керак.

Бунда тарбиячи “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастури вазифаларига, боланинг индивидуал хусусиятига, қобилияти, қизиқиши ва эҳтиёжига таянади.

Тарбиячи қандай метод ва услублар танламасин улардан комплекс, бир-бирини тўлдирган ҳолда фойдаланиши, бу асосий мақсад — ўрганилаётган табиат жисмлари ва ҳодисаларнинг болалар томонидан қизиқиш билан қабул қилиб олинишини яхшилашга ҳамда табиат ҳақидаги тушунчаларнинг тўғри шаклланишига хизмат қилиши керак.

Тажрибаларда ҳал этиладиган тарбиявий вазифалар табиатга ижобий, эҳтиёткорона, ғамхўрона, эстетик муносабатларни шакллантиришга йўлланади.

Методни танлаш таълимий вазифалар характеристи, табиий обьектнинг хусусиятлари ҳамда болаларнинг ёшига боғлиқдир.

Кичик ёшдаги болалар тажрибаларда кузатиш, ўйин методларидан фойдаланилади. Оғзаки метод, турли тажрибалар ўтказиш асосан, мактабгача катта ёшдаги болалар билан ўтказиладиган жараёнларда фойдаланилади.

Танланган метод дастур вазифасининг тўлиқ бажарилишини ва болаларнинг фаол ақлий фаолиятини таъминлаши лозим.

“Фан ва табиат” ривожланиш марказининг талаб даражада жиҳозланиши болаларнинг машғулотда фаол иштирок этишларига имкон беради. Агар тажрибаларда тарқатма материаллардан фойдаланилса, яъни ҳар бир боланинг қўлида кузатиш обьекти бўлса, шунда болалар тарбиячи кўрсатадиган иш усусларини яхшироқ кўришга эга бўладилар.

Тарбиячи тажрибалар ўтказишдан олдин бир қанча кўргазмали қуроллар, яъни жонли ва жонсиз табиат жисмлари (гербариylар, йил фасллари, табиат манзаралари тасвиранган календарлар, тошлар, фойдали ҳашаротлар, ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, майда ҳайвон ва бошқалар)ни тайёрлаб қўяди. Чунки кўргазмали қурол болаларга ўрганилаётган нарсани бир неча сезги аъзолари билан қабул қилиб олиш имкониятини беради, яъни улар нарсани кўрибгина қолмасдан, унинг хусусиятини (масалан, тирнаб кўриш, болғача билан уриб кўриш орқали нарсанинг мўртлигини, эгиш билан қайишқоқлигини, эгилувчанлигини ва ҳоказо) синайдилар.

Тажрибалар, асосан, қуйидаги тартибда олиб борилади:

- иш мақсадини эълон қилиш;
- тарбиячининг йўл-йўриқлар бериши;
- топшириқни тушунтириш;
- кўргазмали қуроллар устида ишлаш;
- илк тадқиқотчилик, кузатиш;
- ўтказилган иш натижаларини тушунтириш - сухбат;
- холоса чиқариш.

**Тушунчалар асосида амалий жараён ташкил этилади.**

### **Кичик гурухларда жуфтликда ишлаш**

Амалий дарс машғулотида тингловчилар кичик гурухларга бўлиниб “Сувнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ҳавонинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар ”, “Қумнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар”, “Ўсимликларнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар” каби мавзуларда тақдимот қилиш топшириғи берилади.


Ҳар бир топшириқ кичик гурухларда ишланиб, гурух аъзолари томонидан тақдимот қиласидилар. Тақдимот давомида вазифаларда акс этган фикр-мулоҳазаларни муҳокама қиласидилар, масалаларини амалий иш кўринишида таҳлил қиласидилар, фикр алмашиб имконига эга бўладилар.

**Иловалар:**

### **Кичик гурухлар қуидаги тажрибалар ўтказилиши мумкин**

	<p><b>Мавзу:</b> Сувнинг таъми</p> <p><b>Мақсад:</b> Болаларни сувнинг хусусиятлари яъни унинг таъми йўқлиги билан танишириш.</p> <p><b>Жиҳоз:</b> Бир стакан сув, бир стакан сок.</p> <p><b>Тажрибанинг бориши:</b></p> <ol style="list-style-type: none"><li>Болаларнинг бир стакан сувни ичиб кўриши.</li></ol> <p><b>Савол:</b> Сувнинг таъми борми?</p> <ol style="list-style-type: none"><li>Болаларнинг бир стакан сокни ичиб кўриши.</li></ol> <p><b>Савол:</b> Сокнинг таъми қандай?</p> <p><b>Хуолоса:</b> Болалар ўтказилган тажриба асосида сувни таъми йўқ деб хуолоса чиқарадилар.</p>
---	--

	<p><b>Мавзу:</b> Сувнинг тиниқлиги</p> <p><b>Мақсад:</b> Болаларни сувнинг хусусиятлари(тиниқлиги) билан танишириш.</p> <p><b>Жиҳоз:</b> сув, сут ва 2та чой қошиқча</p>
--	--



### Тажрибанинг бориши:


1. Болалардан идишлардаги сув ва сутга қошиқчалар солишларини сұраш.

2. Қайси идишда қошиқчалар күринаётганини сұраш.

3. Нима сабабдан бир стаканда қошиқча күриняпти, иккінчи стаканда қошиқча күрінмаяпти? (Чунки, сув тиник ва рангсиз бўлганлиги учун сувли стаканда қошиқча күриняпти)

**Хулоса:** Болалар сув тиник, сут эса оқ рангда бўлганлиги учун сувли стаканда қошиқча күриняпти деб хулоса чиқарадилар.

### Ўрта гурухлар қуидаги тажрибалар ўтказилиши мумкин



### Мавзу: Ҳаво у нима?

**Мақсад:** Болаларга ҳаво тўғрисида аниқ маълумот бериш

**Керакли жиҳозлар:** елим халтачалар, пуфаклар ва ҳавога оид расмлар.

**Тажрибанинг бориши:** елим халтачалар ва шарлар шиширилади ва кузатилади.

**Хулоса:** ҳаво рангсиз кўзга кўринмас, хажмсизлиги кузатилади.



### **Мавзу: Ҳаво у нима?**

**Мақсад:** Ҳаво түғрисида тушунча бериш.

**Керакли жиҳозлар:** копток, шиширилган ўйинчоқлар, тоғорачада сув.

### **Тажрибанинг бориши:**

Тоғорачадаги сувга копток ва шиширилган ўйинчоқлар солинади ва кузатилади.

**Хулоса:** Ичида ҳавоси бўлган нарсалар сувда чўкмайди чунки ҳаво сувга нисбатан енгил.



### **Мавзу: Шакл яса**

**Мақсад:** Болаларни хўл қумнинг сифатлари билан таништириш

**Жиҳозлар:** Хўл қум, қум учун шакллар.

**Жараён:** Хўл қумни кафтлар орасига олиш ва уни оқизишга харакат қилинса, у оқмайди, аксинча қўлдан бўлаклаб тушади. Қум учун мўлжаланган шаклларни хўл қум билан тўлдириш ва уларни ағдариш. Қум шаклни сақлаб қолади.

**Хулоса:** Хўл қумни кафтлар орасидан оқизиб бўлмайди, бироқ у қуриб қолишига қадар ҳар қандай керакли шаклни ҳосил қила олади. Қум намланганда қум заррачалари орасидаги ҳаво йўқолади, хўл заррачалар ўзаро ёпишиб қолади.


**Мавзу:"Нам қумда излар қолади".**

Тарбиячи қуруқ қумда кафт изларини қолдиришни таклиф қилади. Излар яхши күринаяптыми? Тарбиячи қумни хўллади, аралаштиради, теккислайди. Хўл қумда кафт изларини қолдиришни таклиф қилади. Энди күриняптыми? Қаранглар, ҳар бир бармоқ кўринмоқда. Энди оёқ изларини ҳосил қиласиз. Сиз нимани кўряпсиз? Нима учун кафт ва оёқ изларини ҳосил қила олдик? (Чунки биз қумни хўлладик).

**Хулоса:** Биз бугун нима ҳақида билиб олдик? Қандай қумда оёқ ва кафт излари қолади? (Хўл қумда излар қолади).



### Катта гурухларда қуйидаги тажрибалар ўтказилиши мумкин



**Мавзу: Бўёқ турлари**

**Мақсад:** табиий бўёқларни сабзавотлар ва мевалардан олишни ўргатиш

**Керакли жиҳозлар:** бўёқ турлари, акварель, гуаш, ёғли бўёқ ва табиий бўёқларни хусусиятлари билан таништириш

**Тажрибанинг бориши:** болаларни акварель бўёғи - сув билан аралаштириб қоғозда чизиш.

Гуашни – қуюқ бўлиб сув солиб ишлатилиши.

Ёғли бўёқ – унга ёғ қўшилиши ва у куригач расм ялтираб туришини кўрсатиш.

**Хулоса:** бўёқлар ҳар хил эканлигини тушунтириш.



**Мавзу:** Лавлагидан бўёқ олиш  
**Мақсад:** лавлагидан бўёқ олишга ўргатиш  
**Керакли жиҳозлар:** хом ва пишган лавлаги, пичик, това, ёғ, қиргич, элақ, стакан  
**Тажрибанинг бориши:** лавлаги тозаланиб қиргичдан ўтказилади. Товага ёғ солиб қовурилади. Унлан олиб элақдан сиқиб олинади. Ҳосил бўлган шарбатни стаканга солинади.  
**Хулоса:** лавлаги шарбатидан қизил бўёқ олинишини ва расм чизища фойдаланишини билиб оладилар.

## Назорат саволлари

1. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси табиат билан таништиришда қандай услублардан фойдаланади?
2. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси кузатиш даврийлиги бўйича неча турини олиб боради?
3. Таълимий ўйинлар асосида қандай малакалар шаклланади?
4. Болаларга жонсиз табиатни кузатишда табиат ҳодисаларнинг (қор, муз, оби-ҳаво) қандай хусусиятлари хақида тушунчалар берилади?
5. Болаларга табиатдаги айрим нарсаларнинг (тош, қум, сув) ўзига хос қандай хусусиятлари хақида тушунчалар берилади?
6. Мактабгача таълим ташкилотида болаларни табиат билан таништириш жараёнида қандай услублардан фойдаланилади?
7. Кузатиш услубини ёритиб беринг
8. Табиат билан таништиришда қандай ўйин тулари бор?
9. Тажрибалар асосан қандай тартибда олиб борилади?
10. Тажрибаларни ташкил этишда қандай муаммоларга учрадингиз?
11. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида яна қандай тажрибаларни ташкил этиш мумкин?

## **Тестлар:**

### **1.Педагогикада метод – бу...?**

+Педагог ва тингловчининг (боланинг) маълум таълим-тарбиявий натижаси  
Муайян йўналишни белгилаш

Тайёргарлик кўриш

Ижодий фаолиятни ташкил этиш

### **2.Кузатишлар давомийлиги қандай бўлиши мумкин?**

+Қисқа ва узок муддатли

Узоқ, муддатсиз

Доимий

Қисқа муддатли

### **3.Қисқа муддатли кузатиш қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

+Дараҳтлардан баргнинг тўкилиши, шамол бўлиши, қор, ёмғир ёғиши,  
дараҳтларнинг гуллари мевалари ўсиб туриши.

Ўсимликни ўсиб, униб чиққанидан то катта бўлгунига қадар ўтган вақт

Ўсимлик ва ҳайвонларни ўсиши ҳамда ривожланиши

Жониворларнинг ўсиши, яшаш шароити

### **4.Узоқ муддатли кузатиш қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

+Ўсимликни ўсиб, униб чиққанидан то катта бўлгунига қадар ўтган вақт

Дараҳтлардан баргнинг тўкилишини кузатиш

Шамол бўлиши, қор, ёмғир ёғишини кузатиш

Нарсаларнинг шакли, ранги, катта-кичиклигини кузатиш

### **3-Мавзу: “Фан ва табиат” ривожланиш маркази учун тажрибалар картотекалари (амалий 2 соат)**

#### **Режа:**

1. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурининг мавзувий режаси асосида жонсиз табиат билан таништириш тажрибалар рўйхатини тузиш.
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурининг мавзувий режаси асосида жонли табиат билан таништириш тажрибалар рўйхатини тузиш.

#### **1. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурининг мавзувий режаси асосида жонсиз табиат билан таништириш тажрибалар рўйхатини тузиш**

Тингловчиларнинг болаларни “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурининг мавзувий режаси асосида жонли ва жонсиз табиат билан таништириш тажрибалар рўйхатини тузиш ҳақида тушунчаларини аниқлаш мақсадида "Картотека", "Сув билан ўтказиладиган тажрибалар", "Ҳавонинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар", "Қумнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар", "Магнитнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича тажрибалар" деб ёзувлар қайд этилган карточкалар тингловчиларга тарқатилади. Тингловчилар карточкадаги саволларга ўз фикр мулоҳазалари асосида жавоб берадилар. Тингловчилар томондан берилган жавоблардан сўнг ўқитувчи тамондан слайд тақдимот орқали умумлаштирилади.

#### **МАЪРУЗА**

"Картотека" сўзи маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуудир. Мактабгача таълим ташкилотларида таълимий фаолиятга доир картотекалар тайёрлаш бугунги кун талаби бўлиб келмоқда. Ҳар бир таълимий фаолиятга доир картотекалар тайёрлаш тарбиячининг фаолиятини енгиллаштиради. Бугунги кунда тарбиячилар “Фан ва табиат” маркази учун тажрибалар картотекаларини , тайёрланмоқда.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: 1-ТОПШИРИК

1. Тингловчиларга жонсиз табиат бўйича картотека тузиш: “Сувнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар картотекаси”, “Хавонинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар картотекаси ”, “Кумнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар картотекаси”, “Магнитнинг хусусиятлари мавзусида тажрибалар картотекаси” топшириқлари берилади.

### “Кичик гурухларда ишлаш” методи

Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўкув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган ижодий иш.

- тингловчилар кичик гурухларга бўлинади;
- Тингловчиларга жонсиз табиат бўйича картотека тузиш учун керакли методик қўлланмалар, ресурслар берилади;
- гурух иштирокчиларининг фикрлари умумлаштирилиб, картотека тузилади;
- топшириқ юзасидан гурухлар тақдимоти амалга оширилади;
- гурух жавоблари муҳокама этилади, таҳлил этилади.

### Кичик гурухлар қўйидаги картотека материалларини илова қилишлари мумкин

МУГДАРИКА	
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 1
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 2
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 3
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 4
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 5
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 6
Манзу: Сувнинг хусусиятлари (таснифузи)	Тажриба № 7
Манзу: Сувнинг хоссалари (суюн, кагтун, муз, газ)	Тажриба № 8
Манзу: Сувнинг хоссалари (суюн, кагтун, муз, газ)	Тажриба № 9
Манзу: Сувнинг хоссалари (суюн, кагтун, муз, газ)	Тажриба № 10
Манзу: Сувнинг хоссалари (суюн, кагтун, муз, газ)	Тажриба № 11
Манзу: Сувнинг хоссалари (суюн, кагтун, муз, газ)	Тажриба № 12
Манзу: Сув бутланиннин тақдирба орасиди Зрганин	Тажриба № 13
Манзу: Сув бутланиннин тақдирба орасиди Зрганин	Тажриба № 14
Манзу: Сув бутланиннин тақдирба орасиди Зрганин	Тажриба № 15
Манзу: Сувнинг илжим холати кенгайининн ўзаттиш	Тажриба № 16
Манзу: Сувнинг талминга караб	Тажриба № 17
Манзу: Олонинин кимини?	Тажриба № 18
Манзу: Олонинин кимини?	Тажриба № 19
Манзу: Сув музлажлар	Тажриба № 20
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 21
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 22
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 23
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 24
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 25
Манзу: Табигатла сувнини Зрини	Тажриба № 26
Манзу: Сувни физилтран	Тажриба № 27

**“МАГНИТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ”**  
**мавзуидаги мактабгача таълим**  
**ташкилотларининг катта гурух**  
**тарбияланувчилари учун “Илк қадам”**  
**мактабгача таълим муассасалари давлат**  
**ўкув дастурининг мавзувий режаси**  
**асосида тузилган тажрибалар**  
**каротекаси**

<b>МУНДАРИЖА</b>	<b>МАГНИТ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>
Мавзу: “Магнит номаларин тортади?”	Тажриба № 1
Мавзу: Магнит бона буюмларга кириб ҳарасатланадими?”	Тажриба № 2
Мавзу: “Магнитни тўсислар ортидан ҳам тортишини хусусини?”	Тажриба № 3
Мавзу: Магнитни бир-бирача тортганини ва ажранин хусусини?”	Тажриба № 4
Мавзу: Магнит билан ташнишади?	Тажриба № 5
Мавзу: Магнит қадамий жонсалар турнига киради?	Тажриба № 6
<b>МАТО ТУРЛARI</b>	<b>МАТО ТУРЛARI</b>
Мавзу: Матонини хусусинларни	Тажриба № 1
Мавзу: Мато турлари	Тажриба № 2
Мавзу: Матонини сизнишади?	Тажриба № 3
Мавзу: Матолар қадамий тайёрланади?	Тажриба № 4
<b>ШАХСИЙ ГИГИЕНА ИЧИ ОИД КОИДАЛАРНИ АМАЛДА БАЖАРИШ</b>	<b>ШАХСИЙ ГИГИЕНА ИЧИ ОИД КОИДАЛАРНИ АМАЛДА БАЖАРИШ</b>
Мавзу: Қуллик юнин конидалари	Тажриба № 1
Мавзу: Тинниң көрбейсан химон килин гигиениси	Тажриба № 2
Мавзу: Тирник остидани қирорларни кўрниш	Тажриба № 3
Мавзу: Сочалинни ташнишишади?	Тажриба № 4
<b>ТҮТГРИ ОИРАТЛАНИШИННИН ИНСОН ХАЁТИДАГИ ЎЗИНИ</b>	<b>ТҮТГРИ ОИРАТЛАНИШИННИН ИНСОН ХАЁТИДАГИ ЎЗИНИ</b>
Мавзу: Рангини на газли ичималларини инсон хаётига зарари	Тажриба № 1
Мавзу: Менга на сабзанотлар қандай истекимал қилинади?	Тажриба № 2
Мавзу: Конкуратлар картонка (чонсан) инсон соглигига зарари	Тажриба № 3
Мавзу: Ошкотланиш тартибини ўргатни.	Тажриба № 4

**“ҚУМ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ”**  
**мавзуидаги мактабгача таълим**  
**ташкилотларининг катта гурух**  
**тарбияланувчилари учун “Илк қадам”**  
**мактабгача таълим муассасалари**  
**давлат ўкув дастурининг мавзувий**  
**режаси асосида тузилган тажрибалар**  
**каротекаси**

<b>МУНДАРИЖА</b>	<b>Хаво у нима?</b>
Мавзу: Хаво у нима?	Тажриба № 1
Мавзу: Хаво у нима?	Тажриба № 2
Мавзу: Хаво у нима?	Тажриба № 3
Мавзу: Хаво у нима?	Тажриба № 4
<b>Хавонинг ифлослананиши</b>	<b>Хавонинг ифлослананиши</b>
Мавзу: Хавонинг ифлослананиши.	Тажриба № 1
Мавзу: Хавонинг ифлослананиши.	Тажриба № 2
Хаво шарлари билан ишланни.	Хаво шарлари билан ишланни.
Мавзу: Хаво шарлари.	Тажриба № 1
<b>Хаво хусусинлари</b>	<b>Хаво хусусинлари</b>
Мавзу: Хаво хусусинлари.	Тажриба № 1
Мавзу: Хаво хусусинлари..	Тажриба № 2
Мавзу: Хаво хусусинлари.	Тажриба № 3
Мавзу: Хаво хусусинларини тушунтириши.	Тажриба № 4
<b>Шамол</b>	<b>Шамол</b>
Мавзу: Нима учун шамол уйни йўкотдиги?	Тажриба № 1
Мавзу: Шамол.	Тажриба № 2
Мавзу: Шамол.	Тажриба № 3
Мавзу: Шамол.	Тажриба № 4
Мавзу: Шамол.	Тажриба № 5
<b>Кор билан тажриба</b>	<b>Кор билан тажриба</b>
Мавзу: Кор билан тажриба.	Тажриба № 1
Мавзу: Кор билан тажриба.	Тажриба № 2
Мавзу: Кор билан тажриба.	Тажриба № 3
<b>Союни кўпинчаларини хосла килини</b>	<b>Союни кўпинчаларини хосла килини</b>
Мавзу: Союни кўпинчаларини хосла килини.	Тажриба № 1
Мавзу: Союни кўпинчаларини хосла килини.	Тажриба № 2
Хар куни об – хавони тиккослани	Хар куни об – хавони тиккослани
Мавзу: Хар куни об – хавони тиккослани	Тажриба № 1

**Тингловчилар такдимот вақтида қуйидаги картотека материалларини**  
**илова қилишлари мумкин**  
**“Фан ва табиат” ривожланиш марказида жонсиз табиат билан**  
**танишириш бўйича олиб бориладиган тажрибалардан намуналар**  
**Кичик гурух**

**“Сувнинг хусусиятлари билан танишиш”.**

**Мақсад:** Сувнинг хусусиятларини билиш, уни табиатда қаерда ва қандай қўринишда учрашини кўрсатиш, фавворалар билан танишиш.

**Жихоз ва материаллар.**

Идишда сув, идишчалар, чукур тарелка, кичкина қошиқ, пахта, фаввораларни расми.

**Фаолиятнинг бориши.**

1. Сувнинг хусусиятлари билан танишиш (хўллиги, муздеклиги, оқиши)

2. Сув билан ўйнаш ( қоғоз қайиқчалар, сув ўйинчоқлари) .

3. Болаларни рағбатлантириш

**Кўшимча қисм:** Фавворалар хақида видеоролик кўришни таклиф этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** Сувни тежаш хақидаги тушунча бериш.

**Дидактик ўйин: “Куз барглари”**

**Мақсад:** Дараҳт танаси шохлари, барглари борлиги ҳақида тушунчага эга. Дараҳт (чинор, терак, клён) баргларини фарқлай олишади, барглар ерга тўкилишини билишади.

**Жиҳоз ва материаллар:** ҳар хил дараҳтлар расими, тўкилган барглари, гербарий учун албом. Ҳар хил гулли ленталар.

**Фаолиятнинг бориши :**

1. Дидактик ўйин: “Қайси дараҳт барги”.
2. Дидактик ўйин: “Ўз уйингни топ”.
3. Дидактик ўйин: “Тасвирлаш бўйича дараҳт баргини топ”.
4. Тўкилган барглардан гербарий ясашади.

**Қўшимча:** болалар билан куз ҳақида сухбат, қайси дараҳт биринчи куртак очади. Барглар тўкилиши нима? Дараҳт ва барглар расмини чизиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг фикрлаш тафаккуруини ривожлантириш, уларнинг атроф-оламга муносабатини шакллантириш .

**Катта гурух**

**Мавзу:** Сув ва қум хусусиятлари билан танишиш.

**Мақсад:** Сув ва қум нима эканлигини билади, нам қумнинг хусусиятлари ва ундан фойдаланишни билади. Сув билан тажриба ўтказа олади, сув хусусиятларини билади. Суюқ, қуйик, юмшоқ, қаттиқ жихатларни ажратади.

**Керакли жиҳозлар:** сув, қум, шам ва гугурт, мавзу асосида расмлар, ёнғин вақтида уни баратараф этишдаги сув ва қумнинг вазифаси тасвирланган расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Намуналар орқали мавзу ҳақида тушунча ҳосил қилиш.
2. Ёнғин пайтида сув ва қумдан фойдаланиш тўғрисида тушунчага эга бўлиш.
3. Сувнинг қўл билан ушлаб бўлмаслиги, уни суюқ эканлигини аниқлаш.
4. Ушлаб қўриш орқали қумнинг қул билан ушлаб бўлиши ва у қуруқ, нам хамда қуйик эканлигини хис қилиш.
5. Сувга оз миқдорда қум солиш
6. Қумнинг чукиб кетишини ва нима учун чўкиб кетганлигини тахлил қилиш.
7. Ўз фикрларини баён этиш.

**Қўшимча:** Тарбиячи билан биргаликда: шамни ёндириш ва уни сув хамда қум ёрдамида ўчириш мумкинлигини тажрибада синаб қўриш.

**Алоҳида эътибор қаратилади:** Сув ва қумнинг хусусиятларини билишига, эҳтиёт чораларини кўришига олов билан ўйнамасликларига.

## **Мактабга тайёрлов гурухи**

### **“Чигитдан ёғ оламиз”**

**Мақсад:** Пахта уруғи хақида түшүнчага эга бўлиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** Пахта уруғи, оқ қоғоз, ўқлов, гуруч донлари, буғдой.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар пахта уруғи ва дон хақида түшүнчага эга бўлади. Номларини айтади ва бир-биридан ажратади.

2. Хар бир уруғни оқ вароқга қўйиб ўқлов орқали эзишни ўрганади.

3. Қандай уруғ кўп ёғ ишлаб чиқаришини таҳлил қиласди.

4. Дондан яна нима қилишни ўргатади.

5. Қайси дон уруғидан ёғли доғ қоғозда қолиши натижасини қўриш.

**Қўшимча қисм:** Мавзу бўйича безаклар бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:** Хотирани ривожлантириш, майдада қўл маторикасини ривожлантириш, иш натижасини кузатиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ: 2-ТОПШИРИҚ!**

1. Тингловчиларга жонли табиат бўйича картотека тузиш: “Ўсимликлар билан тажрибалар картотекаси”, “Сабзовотлар билан тажрибалар картотекаси”, “Мевалар билан тажрибалар картотекаси”, “Уруғлар билан тажрибалар картотекаси” топшириқлари берилади.

### **“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи**

Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган ижодий иш.

- тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинади;
- Тингловчиларга жонли табиат бўйича картотека тузиш учун керакли методик қўлланмалар, ресурслар берилади;
- гуруҳ иштирокчиларининг фикрлари умумлаштирилиб, картотека тузилади;
- топшириқ юзасидан гуруҳлар тақдимоти амалга оширилади;
- гуруҳ жавоблари муҳокама этилади, таҳлил этилади.

## **Тингловчилар тақдимот вақтида қуидаги картотека материалларини илова қилишлари мүмкін**

**“Фан ва табиат” ривожланиш марказида жонли табиат билан  
таништириш бўйича олиб бориладиган тажрибалардан намуналар**

**“МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР,  
ЎСИМЛИКЛАР ОЛАМИ”**  
**мавзуидаги мактабгача таълим  
ташкилотларининг катта гурӯҳ  
тарбияланувчилари учун “Илк қадам”  
мактабгача таълим муассасалари давлат  
ўқув дастурининг мавзувий режаси  
асосида тузилган тажрибалар  
картотекаси**

**МУНДАРИЖА**

Мавзуу: Мева ва сабзвотлар.	Тажриба № 1
Мавзуу: Сабзвотларни сабозлаштириш.	Тажриба № 2
Мавзуу: Картопинин эсени ва устурини.	Тажриба № 3
Мавзуу: Бир нечта урусларни унуб чиқининин кулатини.	Тажриба № 4
Мавзуу: Ўзбек турорлари.	Тажриба № 5
Мавзуу: Сабзатарни сабозлаштириш.	Тажриба № 6
Мавзуу: Ўзбек турорларини сабозлаштириш.	Тажриба № 7
Мавзуу: Ўзбек турорларини сабозлаштириш.	Тажриба № 8
Мавзуу: Ўзбек турорларини сабозлаштириш.	Тажриба № 9
Мавзуу: Усмонлик барзаканларни инсаннига ўрганиши.	Тажриба № 10
Мавзуу: Усмонлик барзаканларни инсаннига ўрганиши.	Тажриба № 11
Мавзуу: Усмонлик барзаканларни инсаннига ўрганиши.	Тажриба № 12
Мавзуу: Усмонлик барзаканларни инсаннига ўрганиши.	Тажриба № 13
Мавзуу: Меванинка кубинин таъсир колдади?	Тажриба № 14
Мавзуу: Недизлар нима ва унандай хосса бўлалар?	Тажриба № 15
Мавзуу: Кубинини нафаралаштириш.	Тажриба № 16
Мавзуу: Кубинини нафаралаштириш.	Тажриба № 17
Мавзуу: Кубинини нафаралаштириш.	Тажриба № 18
Мавзуу: Кубинини нафаралаштириш.	Тажриба № 19
Мавзуу: Судаси бутаги устурини.	Тажриба № 20
Мавзуу: Судаси бутаги устурини.	Тажриба № 21
Мавзуу: Шурз хамзаран ичечисе тайёрланни.	Тажриба № 22
Мавзуу: Дарракунинг хусусиятлари.	Тажриба № 23
Мавзуу: Дарракунинг исчоғи таъсирин таъсирин.	Тажриба № 24
Мавзуу: Дарракунинг таъсир бўлганини форсалин.	Тажриба № 25
Мавзуу: Ономи учри гулчамбар.	Тажриба № 26
Мавзуу: Табиий жижозларни гулчамбар исанни.	Тажриба № 27
Мавзуу: Дарракуларни кулаганини бағрилаймиз.	Тажриба № 28
Мавзуу: Нима бўлади?	Тажриба № 29
Мавзуу: Нима бўлади? Сабзатарни сабозлаштириш.	Тажриба № 30
Мавзуу: Матозларни нима яхши бўлади?	Тажриба № 31
Мавзуу: Матозларни фарзаймиз.	Тажриба № 32
Мавзуу: Хамма макъам хўл бўладими?	Тажриба № 33
Мавзуу: Сабзатарни сабозлаштириш.	Тажриба № 34
Мавзуу: Иш кенасини келасиз.	Тажриба № 35
Мавзуу: Лимон на унинг тарорини.	Тажриба № 36
Мавзуу: Миндерни на лимон фарзини билини.	Тажриба № 37

### **Тажриба 1**

#### **Мавзуу: Мева ва сабзвотлар**

**Мақсад:** сабзвот ва мевани ажратиш. Хотира ва диққатни ва майдада қўл моторикасини ривожлантириш.

**Керакли жиҳозлар:** иккита бўлинган мева, сабзовот, стек, пластилин, салфетка.

**Тажрибанинг бориши:**

1. Меваларни ажратиш.
2. Сабзовотларни ажратиш.
3. Таъмини таътиб қўриш орқали ажратиш

**Хулоса:** болалар расм ва таъм орқали сабзвот ва мевани ажратади.

### **Тажриба 2**

**Мавзуу: Сабзиларни етиштириш**

**Керакли жиҳозлар:** сабзи, пичноқ, гул тувак, тупроқ

**Тажрибанинг бориши:** сабзи уруғи икки тувакка экилади. Биринчи тупроққа, иккинчиси қумга экилиб, сув қўйиб турилади.

**Хулоса:** Тупроққа экилган сабзи яхши ўсади.

### **Тажриба 3**

**Мавзуу: Кartoшka полизда ўсади расм устида сухбат**

**Керакли жиҳозлар:** “Кartoшka полизда ўсади” расм

**Тажрибанинг бориши:**

1. Расмни кўриб чиқиши

2. Картошка тупроқ устида
3. Картошка тупроқ тагида етилади

**Хулоса** Картошка тупроқ тагида етилади ва уни кавлаб олинади.

#### **Тажриба 4**

**Мавзу:** Бир нечта уругларни униб чиқишини кузатиш

**Керакли жиҳозлар:** сабзавотларни уруғи, эгатлар, пахта, дока

**Тажрибанинг бориши:** ўсимлик ҳақидаги билимини кенгайтириш

1. Бир нечта эгат тайёрланади, нам дока қўйилади, тайёр уруғ (маккажўхори, кунгабоқар, ловия, нўхат, тарвуз)лари экилади.

2. Болалар экилган вақтни белгилайдилар, барглари униб чиққач тувакларга экилиб кузатилади.

**Хулоса:** болалар сабзавотлар юмшоқ ерда ва қуёш нурида намланган уруғлар яхши униб чиқишини билиб олдилар.

#### **Тажриба 5**

**Мавзу:** Лавлагидан бўёқ олиш

**Мақсад:** лавлагидан бўёқ олишга ўргатиш

**Керакли жиҳозлар:** хом ва пишган лавлаги, пичик, това, ёғ, қирғич, элак, стакан

**Тажрибанинг бориши:** лавлаги тозаланиб қирғичдан ўтказилади. Қирғичдан ўтказилдган лавлагини дока орқали сиқиб олинади. Ҳосил бўлган шарбатни стаканга солинади.

**Хулоса:** лавлаги шарбатидан қизил бўёқ олинишини ва расм чизища фойдаланишини билиб олишади.

#### **Тажриба 6**

**Мавзу:** Япроқларни ўрганамиз

**Мақсад:** Болаларга япроқ шакллари, улардаги ўзгаришлари тузилишини ўргатиш.

**Керакли жиҳозлар:** барглар қуритилганлиги, елим, қофоз

**Тажрибанинг бориши:** ўсимлик баргларига қандай сув келишини кузатиш. Кесилган шохчани сиёҳ ёки бўёқ билан бўялган сувга солинади. Бир неча кундан кейин дастаси кесилади ва рангли бўлгани қўрилади. Ўсимлик барги қанча кўп сувда турса шунча рангли сув кўтарилади

**Хулоса:** ўсимлик барглари ҳам сув ичади.

#### **Тажриба 7**

**Мавзу:** Тайёрланган буғдойни ўстириш.

**Мақсад:** буғдойни ерда қандай ўсишини ўргатиш

**Керакли жиҳозлар:** намланган буғдой, дока, кум солинган идиш, қошиқча

**Тажрибанинг бориши:** сувда ивтилган буғдой учта тувакка экилади, қумга тез-тез сув қуйилади. Иккинчисига сепиб қўйилади. Учинчисига умуман сув қуйилмайди. Болалар ҳар учала буғдойни қандай ўсишини кузатадилар.  
**Хулоса:** ўз вақтида сув берилган буғдой яхши ўсади. Сув қуйилмаса қуриб қолишини билиб оладилар.

### Тажриба 8

**Мавзу:** “Бодрингдан нима тайёрланади?”

**Мақсад:** бодрингдан салат тайёрлашни ўргатиш.

**Керакли жихозлар:** бодринг, помидор, қўкатлар, туз, ликопча, пичоқ.

**Тажрибанинг бориши:** бодринг паррак шаклда тўгралади. Парракланган бодринг бўлаклари иккига бўлинади. Қўватлар ҳам тўгралади ва туз сепилади.

**Хулоса:** бодрингдан салат тайёрлашни билиб оладилар.

### Тажриба 9

**Мавзу:** “Помидордан нима тайёрланади?”

**Мақсад:** Помидордан салат, сок тайёрлашни ўргатиш.

**Керакли жихозлар:** помидор, туз, ликопча, стакан, пичоқ.

**Тажрибанинг бориши:** тўртбурчак шаклда бўлакларга бўлинган помидор, паррак шаклда тўгралалган бодринг, паррак шаклда тўғралган пиёз, қўватлар, озроқ туз сепиб салат тайёрланади.

Махсус мосламадан фойдаланиб помидордан сок тайёрланади.

**Хулоса:** бодрингдан сок ва салат тайёрлашни билиб оладилар.

### Тажриба 10

**Мавзу:** “Сабзидан нима тайёрланади?”

**Мақсад:** Сабзидан салат, сок тайёрлашни ўргатиш.

**Керакли жихозлар:** сабзи, туз, ликопча, стакан, пичоқ.

**Тажрибанинг бориши:** махсус қирғичдан ўтказилган сабзи, паррак шаклда тўгралалган сабзидан салат тайёрланади.

Махсус мосламадан фойдаланиб сабзидан сок тайёрланади.

**Хулоса:** сабзидан сок ва салат тайёрлашни билиб оладилар.

## Назорат саволлари

1. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг мавзули режалаштириш китобида қандай йўналишдаги тажрибалар ёритилган?

2. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг мавзули режалаштириш китобида ёритилган сув, магнит билан тажрибаларни олиб бориш методларини очиб беринг?

3. МТТда болаларни илк тадқиқий жараёнлари давомидаги қандай фаолият турлари ўзаро интеграл тарзда олиб борилади?

4. МТТда болаларни илк тадқиқий жараёнлар болаларда қандай қўнималарни шакллантиради?

5. Тажрибаларни ташкил этишда қандай тўсиқларга учрадингиз?

6. “Фан ва табиат” ривожланиш марказида яна қандай тажрибаларни ташкил этиш мүмкін?

## Тестлар

### 1. "Картотека" сүзи қандай маңони билдиради?

+“Картотека” - маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуидир.

“Картотека” - бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар

“Картотека” - болани ўзи ҳақидаги англанган тасаввурлари тизими

“Картотека” - болаларни ўқитиш ва ривожлантириш интеграллашган жараёни

### 2."Фан ва табиат" ривожланиш марказида қандай таълимий фаолиятлар ташкиллаштирилади?

+Илк тадқиқотчилик.

Мусиқа, жисмоний тарбия

Тасвирий санъат, мусиқа

Қуриш-ясаш ва математика.

### 3.Жонсиз табиат билан таништириш тажрибалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

+Сув, ҳаво, қум, магнит билан ўтказиладиган тажрибалар

Ўсимликлар, сабзовотлар, мевалар билан ўтказиладиган тажрибалар

Қушлар, паррандалар, ҳайвонлар билан ўтказиладиган тажрибалар

Ҳашоратлар, уй ҳайвонлари, уй паррандалари билан ўтказиладиган тажрибалар

### 4.Жонли табиат билан таништириш тажрибалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

+Ўсимликлар, сабзовотлар, мевалар билан ўтказиладиган тажрибалар

Сув, ҳаво, қум, магнит билан ўтказиладиган тажрибалар

Шамол, қор, муз, сув билан ўтказиладиган тажрибалар

Тош, қум, сув, ҳаво, қуёш нури билан ўтказиладиган тажрибалар

## ГЛОССАРИЙ

**Мактабгача таълим** – мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал рухий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, бола томонидан ҳаётий ва ижтимоий тажриба олишини қўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараёндир;

**Ривожланиш соҳаси** – бола ривожланишини аниқ бир йўналишларга ажратиш;

**Ривожланиш соҳаси** — бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар. Давлат талаблари боланинг қўйидаги ривожланиш соҳалари бўйича белгиланади: жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши,ижтимоий-ҳиссий ривожланиш,нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари,билиш жараёнини ривожланиши,ижодий ривожланиш. Ушбу бешта асосий ривожланиш соҳаси кичик соҳаларга бўлинади

**«Мен» концепцияси** — болани ўзи ҳақидаги англанган тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятини бир қисми.

**Бола компетенцияси** –маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда қадриятлари;

**Индивидуал ёндашув** – таълим берувчининг гуруҳдаги ҳар бир боланинг фаол ҳаракат ва дам олиш пайтида барча эҳтиёжларини эътиборга олиш зарурлигини англаради. Бу гуруҳдаги барча материал ва жиҳозлар, умуман ўқитиши мухити ҳар бир боланинг ривожланишига хизмат қилишини ҳамда мўлжалланаётган фаолият турлари болалар ривожланишидаги фарқни эътиборга олинишини билдиради.

**Шахсга йўналтирилган ёндашув** – педагогнинг бутун диққат-эътиборини бола шахсининг яхлитлигига қаратишни, унинг нафақат ақл-заковати, фуқаролик масъулияти ҳисси, балки эмоционал, эстетик, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳакида ғамхўрлик қилишга йўналтирадиган ёндашув.

**Инклузив таълим** — болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини teng таъминловчи жараён;

**Интеграллашган режалаштириш** – бу болаларни ўқитиши ва ривожлантириш интеграллашган жараёнидир: бола ривожланишининг ҳар бир соҳаси унинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқ. Таълим-тарбия ишларини режалаштиришда уларни бир-биридан ажратмаслик, бир бутун мажмуа сифатида қараш лозим. Шу маънода турли соҳалардаги таълим жараёни ўзаро боғлиқ ва бир-бири билан уйғунлашиб кетган жараёндир.

**Интеграция** – бола таълими ва ривожланишидаги мазмуннинг таркибий қисмлари ўртасида алоқа ўрнатиш ва боғлиқликдир;

**Интеграция** — бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик;

**Йиллик мавзувий режа**—йиллик мавзувий режада ҳар бир ёш гурухи учун ой мавзулари ва ҳафта мавзулари акс эттирилади.

**Кичик соҳа** —соҳани кичик гуруҳларга бўлиш. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини қўрсатиб беради;

**Кузатув** — бола ишлаётган ёки ўйнаётган пайтда унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда кузатиш жараёни.

**Кутилаётган натижা** — мактабгача ёщдаги болаларда кутилаётган билим, кўникма ва малакалари қўрсаткичидир;

**Қайд этиш** — бу болалар фаоллигини кузатиш асосида хужжатлаштириш. Аксарият педагоглар томонидан табиий равища амалга ошириладиган бу ишга болаларни тизимли (мунтазам) кузатиш асосида ёндашишни жорий этиш улар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятини яратади.

**Қум-** бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси.

**Режалаштириш воситалари** — бу фаолият мазмуни, турлари ҳамда кутилаётган натижаларга эришиш имкониятларини (ресурсларни) белгилаб олиш учун педагог томонидан қўлланадиган восита, усул ва услублар.

**Рефлексив фаолият** — ўз тушунчалари ва ҳатти-харакатларини мустақил таҳлил қилиши асосида болада хulosалар шаклланиши жараёни

**Рефлексив фаолият** — болада ўз тушунчалари ва ҳатти-харакатларини англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хulosалар шаклланиши жараёни.

**Ривожланиш** — инсон танаси, руҳияти ва хулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф муҳит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлардир;

**Картотека-** маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуи.

**Аралашма-** турдош жинсдош бўлмаган моддаларнинг, элементларнинг механик қўшилмаси, турли моддаларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган маҳсулот.

**Буғ-** суюқлик ёки қаттиқ жисмларнинг газсимон ҳолати.

**Жонли-** тириклик аломати бор, яшаб турган, барҳаёт, жонли тўқима.

**Жонсиз-** хаёт аломати йўқ, ўлик, караҳт, ҳаракатсиз қотган.

**Муз** - сувнинг нол даражасигача совуши натижасида қотган ҳолати.

**Магнит(қаҳрабо)-** темир ва пўлат буюмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусиятига эга бўлган жисм.

**Сув** - водород билан кислороднинг кимёвий бирикмасидан иборат рангиз, ҳидсиз шаффофф суюқлик, табиатда муз ва буғ ҳолда ҳам учрайди.

**Табиат-** бутун мавжудотни ўз ичига олган олам, борлик.

**Тадқиқот-** тадқиқ иши, текшириш, ўрганиш иши. Тадқиқотчилик билан шуғулланиш.

**Тажриба** – синов, эксперимент, малака, маҳорат иш ҳаракатини синааб кўриш. Амалий ишда, ҳаётда ўзлаштирилган , ортирилган билимлар, малакалар уқувлар мажмуи.

**Таълимнинг ривожлантирувчи муҳити** – бола ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар (ўйинлар, ўйин предметлари ва жиҳозлари, ўқув-услубий қўлланмалар, болаларнинг турли фаолият турлари билан шуғулланиши учун мўлжалланган ускуналар) ўзаро боғлиқлигини белгилаб берадиган ҳал қилувчи кўрсаткичлар.

**Ҳаво-** ер атмосферасини ҳосил қилувчи, азот ва кислоротдан иборат газлар аралашмаси.

**Ҳафталик режа**—ҳафталик режа йиллик мавзувий режага асосланади ва ҳафтанинг кичик мавзулари, шунингдек, мазкур мавзу бўйича ўtkазиладиган тадбирларни ўз ичига олади.

**Чизма-** қоғоз, тахта, ер, юзига маҳсус чизмачилик асбоблари ёрдамида маълум қоидаларга асосан бажариладиган график тасвир.

## **АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ**

1.Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти – Т.:2020

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 2 февраль куни Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарлари ҳисоботи юзасидан ўтказилган мажлис баёни. – Т.:2018.

3. “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилотсининг давлат ўқув дастури.– Т.:2018.

4. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (кичик гурӯҳ). Методик қўлланма. – Т.:2018.

5.Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (ўрта гурӯҳ).Методик қўлланма. – Т.:2018.

6.Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (катта гурӯҳ). Методик қўлланма. – Т.:2018.

7.Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш (тайёрлов гурӯҳи). Методик қўлланма. – Т.:2018.

8.Д.Т.Махмудова, М.Исҳоқова ва бошқалар. Табиат билан таништириш методикаси. Т.:2019.

## Тажрибалар үтказиш учун тарқатмалар

Сувнинг хусусиятлари			
			
			
			
			
			
			
			
			

<b>Буюмлар нимадан ясалади?</b>			
			
			
			
			
			
			
			
			
			

<b>Буюмлар нимадан ясалади?</b>			
			
			
			
			
			
			
			
			
			

